

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ
“Археология ва этнология” кафедраси**

Абдуллаева Муштарий Мохмуд қизи

Малакавий Битирув Иши

Мавзу: Аёллар муаммосининг этнопсихологик хусусияти

Илмий раҳбар: т.ф.н. Расулова З

Тошкент 2014

Мундарижа

Кириш.....	3-7
I. Боб. Аёлларга жамиятда ва динда бўлган муносабат...	8-36
I.1. Аёлнинг жамиятда тутган ўрни.....	8-22
I.2. Динда аёлга бўлган муносабат (Ислом дини мисолида)	23-36
II. Боб. Эр ва хотин ўртасидаги муаммолар ва уларнинг этнопсихологик хусусиятлари.....	37-
II.1. Эр-хотин муносабатларида вужудга келадиган низо ва муаммоларнинг этнопсихологик хусусиятлари.....	37-48
II.2. Ўзбекларда хиёнатга бўлган муносабат.....	49-69
Хулоса.....	70-73
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	74-75

Кириш

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий давлат ва демократик жамият қуриш йўлидан дадил бормоқда. Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек, “... жамиятнинг демократик ўзгаришлар йўлидан нечоғлик илгарилаб кетгани, шу жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати унинг маданий-маънавий савиясини белгилайди”¹.

Ўзбекистон 1995 йил 6 майдан “Оналикни муҳофаза этиш тўғрисида”ги Конвенцияга, 1997 йил 30 августдан “Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияга қўшилди.

“Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциянинг 3-моддасида, “Аёллар эркаклар билан бир хил шароитларда ва ҳеч қандай камситишсиз жамоат – давлат хизматида лавозим эгаллаш ва миллий қонунчилик билан белгиланган жамоат давлат вазифаларини бажариш ҳуқуқига эгадирлар”, деб қайд қилинди ва уларнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги ўрни белгилаб берилди².

1998 йилнинг 30 апрелида қабул қилинган Оила кодекси эса, мамлакатимизнинг оила, хотин-қизлар масалаларида олиб борилаётган ишларни ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамлади.

Бундан ташқари яна, Ўзбекистонда 1999 йилнинг “Аёллар йили” деб эълон қилиниши муносабати билан Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан “Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан чоратadbирлар Давлат дастури” тасдиқланди. “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди³. Ўз навбатида Президент И.А. Каримов томонидан оилада, жамият ва давлат қурилишларида аёлларнинг ролини ошириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: Ўзбекистон, 1999. 23 –бет.

² Курбонова М. Аёллар манфаатлари қонун ҳимоясида // Ҳуқуқ. - Тошкент, 2012. №10 (791). – 8 б.

³ Ўша манба

мақсадида 2004 йил 25 майда имзоланган “�збекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармоннинг⁴ аҳамияти каттадир.

Мавзунинг долзарблиги ҳам айнан аёллар ва уларнинг жамиятда тутган ўрни, фаоллиги масаласи, оила ва ундаги низолар, низоларни бартараф этиш, ўзбекларнинг оилавий низоларга сабаб бўлувчи асосий омиллардан бири – хиёнат, унга муносабат масалаларини бугунги кун нуктаи назаридан ўрганишни билдиради. Буларнинг ечимини қисман бўлса-да, хоразмлик ўзбекларда олиб борилган ижтимоий-психологик тадқиқотлар асосида топишга ҳаркат қилдик.

Муаммонинг тадқиқ этилганлик даражаси. Аёллар муаммоси этнопсихологик хусусияти масалалари доимо ҳар хил соҳа олимлари диққат-эътиборини ўзига тортиб келган. Биз фақат мавзу юзасидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқамиз. Адабиётлар мавзу юзасидан 2 та турга бўлинади. Булар:

1). Аёлларнинг жамиятда ва динда тутган ўрни масалалари юзасидан ёзилган илмий ишлар, мақолалар ва адабиётлар;

2). Эр-хотин ўртасидаги муаммолардан – оилавий низоларни келиб чиқиши ва бартараф этилиши юзасидан қилинган илмий тадқиқот ишлари, мақолалар ва адабиётлар.

Хусусан, аёлларнинг жамиятда ва динда (ислом дини мисолида) тутган ўрни масалалари бўйича бир қанча тадқиқотлар, илмий ишлар қилиниб, кўплаб асарлар ҳам яратилган.

Аёлларнинг динда тутган ўрни масаласида асосий манба сифатида Қуръони Каримнинг Абдулазиз Мансур томонидан яратилган “Қуръони Карим маъноларининг таржимаси”⁵ асари ўрганилди. Шу ўринда айнан аёллар мавзусида мустақиллик даврида яратилган илмий тадқиқотлар ва адабиётлардан Р.Х. Аминова, А. Валиева, С. Жўраева, М. Холматова,

⁴ Ўзбекистон хотин – қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб – қувватлашнинг қўшимча чора – тадбирлари тўғрисида: “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги” Фармони.// “Халқ сўзи” газетаси – 2004 йил 26 май.

⁵ Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. -Т.,2001.

Д.Т. Собирова ишларини алоҳида қайд қилиш лозим. Чет эл олимларидан П.Е. Астафьеванинг “Психикритм тушунчаси жинслар психологиясининг илмий асоси сифатида” ва “Аёлнинг психик дунёси, унинг ўзига хосликлари, устунликлари ва камчиликлари” асарларида аёлларнинг психик суръати ҳақида кенгроқ маълумот берилади. XIX аср охирида Германия, Франция, Англия, Италия, Нидерландияда аёллар иштирокида кўплаб тадқиқотлар олиб борилди. Аёллар ёки уларнинг эркалар билан таққосланишига бағишланган Л. Фратти, Х. Ланге, М. Лефевра, Х. Марион, Л. Мархолье, Э. Кей (сўнгги уч муаллиф аёллар)нинг монографиялари чоп этилди. Эллиснинг “Эркак ва аёл” монографияси рус тилига таржима қилинган. Бироқ психологиянинг бу соҳасида голландиялик олим Г. Гейманснинг хизматлари каттадир. У ўзининг “Аёллар психологияси” китобида бу масалага кенгроқ тўхталган.

Эр-хотин ўртасидаги муаммолардан – оилавий низоларни келиб чиқиши ва бартарф этилиши юзасидан ҳам илмий ишлар қилинган бўлиб, лекин уларнинг кўлами ҳали кам ҳисобланади. Чунки йилдан-йилга инсонлар психикасида содир бўлаётган ўзгаришлар низоларга сабаб бўлувчи омиллар кўламининг ҳам ўзгариб ва кенгайиб боришига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шу ўринда О. Абдусаттарова, Х.К. Каримов, О.Т. Қодирова, Ф.Р. Рўзикуловларнинг илмий тадқиқотлари бунга мисол бўла олади. Жумладан, Ф.Р. Рўзикулов “Ўзбек оилаларида ажралишнинг ижтимоий психологик асоратлари” бўйича диссертация қилан бўлиб, у ўз иши давомида айнан эр-хотин ўртасида юзага келадиган низоларни сабабларини тадқиқ қилиб, ўзининг илмий хулосаларини берган.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаси. Аёллар муаммосининг этнопсихологик хусусиятини хоразмлик ўзбеклар мисолида ўрганиш тадқиқотнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Юқорида кўрсатилган мақсадлардан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларни ифодалаб бериш:

– хоразмлик ўзбеклар мисолида аёлларнинг ҳозирги кундаги эркинлиги ва ҳар соҳада фаоллигига муносабатни кўриб чиқиш;

– динда (Ислом дини мисолида) аёлларга бўлган муносабатни қиёсий таҳлил қилиш;

– эр-хотин муносабатларида вужудга келадиган низо ва муаммоларнинг этнопсихологик хусусиятларини хоразмлик ўзбеклар мисолида таҳлил қилиш;

– эр-хотин низоларига сабаб бўлувчи асосий омиллардан бири – хиёнат ва уни келиб чиқиш сабабларини ўрганиш;

– ўзбекларнинг хиёнатга бўлган муносабатини хоразмликлар мисолида тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти: Хоразмлик ўзбек аёллари ва эркаклари. Асосан турмуш қурган оилали эркак ва аёллар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети:

Тадқиқотнинг методологияси ва методлари. Мазкур тадқиқот ишини ёзишда тарихийлик, объективлик, тизимлилик асосий услубий тамойилларидан фойдаланилди.

Тарихий маълумотларни, далилларни, воқеа ҳамда ҳодисаларни ёритишда мантиқий умумлаштириш ва тарихий таққослаш тамойилига асосий эътибор қаратилди.

Мазкур мавзунини ўрганиш жараёнида воқеа ва ҳодисаларни далиллар, ёритилган маълумотларни мантиқий умумлаштириш ва этнопсихологик таққослаш, ижтимоий-психологик сўровнома, муаммоли этнологик ва маданий таҳлил услубларидан ҳам фойдаланилди. Ижтимоий-психологик сўровнома таҳлили бўйича респондентлар ҳақидаги умумий маълумотлар қуйидагилар:

1). Тадқиқотнинг ўтказилган жойи: Хоразм вилояти (Хива, Урганч, Қўшқўпр туманлари) ҳудудида;

2). Респондентларнинг ёши:

3). Респондентларнинг яшаш жойлари: 95 % - ҳовли уйда; 5% - кўп хонали уйда.

4). Респондентларнинг маълумоти:

5). Респондентларнинг ижтимоий аҳволи:

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Мазкур битирув малакавий иши кириш, иккита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхатидан ташкил топган.

I. Боб. Аёллар – кеча, бугун ва келажакда

I.1. Аёлнинг жамиятда тутган ўрни

Бугунги кунда жамиятда аёлнинг ўрнига, унинг бунёдкорлик фаолиятига кўпчилик мамлакатларда алоҳида аҳамият берилади. Умуман олганда, аёл ҳамма давлатларда ҳам улуғланиб келинган. Бу борада Ўзбекистонда ҳам хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик тарихий ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Республикада 1999 йилнинг "Аёллар йили" деб эълон қилиниши улкан ишларнинг амалий-мантиқий деб очасидир. Негаки, аёл – она, у халқни дунёга келтируви, тарбияловчидир. Халқнинг, миллатнинг улуғ бўлиб оёққа туриши биринчи галда оналарнинг маънавияти, маданияти ва саломатлиги билан боғлиқдир.

Эл-юрт аёлини қанча иззат қилса, эъзозласа, кадр-қийматини баланд тутса, фарзандлар шунча маънавиятли улғаяди. Хусусан, Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек, “Соғлиги ночор, хўрланган, изтироб чеккан онадан соғлом фарзанд туғилмайди. Шу маънода аёлларни, оналарни асраш керак, дегани наслни асраш, охир-оқибатда миллатни асраш демакдир. Ўз умр йўлдошини, аёлини асраган эркак ўз зурриётини, ўз фарзандларини эъзозлаган бўлади. Аёлни кадрлаш, оғир ишлардан халос этиш, ёмон иллатдан ҳимоя қилиш – эр кишининг, бутун жамиятнинг бурчидир”.⁶

IV Бутунжаҳон конференцияда 1975 йилни – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Ассамблеяси томонидан Халқаро хотин-қизлар йили деб эълон қилиниб, хотин-қизлар аҳволини яхшилаш бўйича жараёни тезлаштиришига мўлжалланган эди. Зеро, БМТ эълон қилган, Хотин-қизлар ўн йиллиги (1976-1986) хотин-қизлар аҳволи ва ҳуқуқларини тадқиқ этиш ва бу борада қарорлар қабул қилишда бутун жаҳонда ибратга айланиши лозим эди⁷.

⁶ Президент И.Каримовнинг Конституциянинг 8 йиллиги кунига бағишлаган тантанали мажлисда сўзлаган нуткидан// Соғлом авлод – бизнинг келажакимиз. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2000. – 13 б.

⁷ Собирова Д.Т. Ўзбекистонда совет тоталитар тузумининг аёллар масаласидаги сиёсати ва унинг оқибатлари(ХІХ асрнинг 40-80 йиллари)/тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т.,2009. 45-бет.

Аёллар муаммосига тааллуқли камчиликларни жаҳон миқёсида умумижтимоий ҳодиса эканлигининг эътироф этилиши ҳамда бу камчиликларни изчиллик билан бартараф этиб боришга ҳаракат қилиниши, аёлларнинг ижтимоий ҳаётга аралашуви, уларнинг жамиятдаги мавқеини оширди. Аёлларга турли хилдаги фаолият майдонини яратиб берди. Улар қисман моддий қарамликдан қутилиб, ўз истедод ва қобилиятларини тўла намоён этиш имкониятига эга бўлдилар.

Бу жараён деярли барча мамлакатларнинг аёллар бўйича олиб бораётган сиёсатини, уларга муносабатини ўзгартиришига олиб келди. Миллат ва жамият келажаги аёл фаолиятининг иштироки билан тўлиқ эканлигини эътироф этиши, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида илм-фан, техника, ишлаб чиқаришда, бошқарувда уларнинг фаол иштирок этувига эришган тақдирдагина жамият ўз ривожига мукамал йўналишга эга бўлиши мумкин эканлигини жаҳон аҳли тушуниб етди.

С. Жўраева ўзининг “Тараққиёт ва аёллар ҳуқуқи” номли мақоласида аёллар тараққиёти ҳақида қуйидагича таъкидлайди: “Ўтган юз йил мобайнида инсоният тараққиётида юз берган инқилобий ўзгаришлардан бири хотин-қизларнинг сиёсий майдонга чиқишидир”⁸.

Бугунги кунда аёл ночор ва кўрқоқ бўлган ерда ҳаёт ҳам ночор ва кўрқинчга тўла эканлиги ҳар томонлама исботланди. Ночор аёл қудратли ўғил ва ўктам қизларни туғиб, тарбиялай олмаслиги шубҳали. Бу жамиятнинг феменизациялашувига йўл очди ҳамда аёлларнинг турли ижтимоий соҳаларда катта ютуқларни қўлга киритишга имконият яратди. Шунга қарамасдан ҳали бирон мамлакатда ҳам аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуқларга эришганларича йўқ⁹.

Халқ орасида аёлларнинг ҳозирги кундаги эркинлиги ва фаоллигига қарашни билиш мақсадида Хоразм вилоятида ўтказилган тадқиқотда¹⁰ “Аёлларнинг ҳозирги кундаги эркинлиги ва ҳар соҳада фаоллигига қандай

⁸ Жўраева, С. Тараққиёт ва аёллар ҳуқуқи // Тафакку. – Т.: 2003. №2. 83 б.

⁹ Гендер. Тадқиқоти асослари курси хрестоматияси. – Т.: Ўзбекистон. 2003. – 405 б.

¹⁰ ИПС натижалари. Хоразм вилояти., 2013 йил.

карайсиз?” деган савол билан респондентларга мурожаат қилинди (1-жадвал). Бунда жавоблар орасидаги умумий тафовут унчалик сезилмаса-да, аёллар ва эркакларнинг жавобларида кескин фарқлар мавжуд. Хусусан, “Бу жуда яхши, чунки келажак авлод тарбияси аёллар қўлида”, деб жавоб берганлар умумий 28% ни ташкил этиб, лекин шундан аёллар (35%) эркакларга (17,5%) нисбатан ўзларини келажак авлод тарбиясида кўпроқ масъул эканликларини таъкидлашди. “Бу мустақиллик ва фаоллик меъёрида бўлса, бунга ижобий қарайман” деб жавоб берганлар эса умумий 27% ни ташкил этиб, шундан эркаклар (30%) аёлларга (25%) нисбатан бу фаолликнинг меъёрида бўлишини хоҳлайдилар. Шу ўринда бу эркинлик ва фаолликка қарши фикрлар ҳам билдирилиб ўтилди. Яъни, “ёмон, чунки аёллар бош бўлган жойда юксалиш бўлмайди”, деб жавоб берганлар умумий 14 % ни ташкил этиб, шундан эркаклар (27,5%) аёлларга (5%) нисбатан бундай фаоллик ва эркинликка қарши эканликларини билдиришди.

Демак, бутун дунё доирасида аёллар эрки ва фаравонлиги учун кўплаб ишлар амалга оширилганига қарамай ҳали камчиликлар борлиги ва эркаклар билан аёлларнинг тенг ҳуқуқлилигига тўлиқ эришилмаганини кўришимиз мумкин. Хусусан, хоразмлик ўзбеклар менталитетида аёл оилада эрнинг гапидан чиқмаслиги, у билан бемаслаҳат иш қилмаслиги керак. Эр эса аёлнинг эрк ва фаоллигини чеклаб турувчидир. Хоразмликлар мисолида кўриш мумкинки, ўзбек эркаклари учун аёлларнинг эркинлиги ва фаоллиги меъёрида бўлганлиги маъқулдир. Айни пайтда, эркинликни ва фаолликни маъқулламайдиганлар ҳам кўпчиликти ташкил қилади.

1-жадвал

**Аёлларнинг ҳозирги кундаги эркинлиги ва ҳар соҳада фаоллигига муносабат
(% ҳисобидан)**

	Белгиланган жавоблар	ўрни	Умумий	ўрни	Аёл	ўрни	Эркак
	Бу жуда яхши, чунки келажак авлод тарбияси аёллар қўлида	1	28	1	35	4	17,5
	Яхши тарафи ҳам, ёмон тарафи ҳам бор. Яхшиси, оила фаравонлиги таъминланади, ёмони, аёлларнинг ўзбилармонлиги ортади.	3	26	2	26,7	3	25

Бу мустақиллик ва фаоллик меъёрида бўлса, бунга ижобий қарайман	2	27	3	25	1	30
Ёмон, чунки аёллар бош бўлган жойда юксалиш бўлмайди	4	14	4	5	2	27,5
Жавоб йўқ	-	5	-	8,3	-	-

Маълумки, аёллар ибтидоий давр бошидан ҳукмрон мавқеёга эга бўлган, яъни оила бошлиғи она бўлган. Синфлар пайдо бўлиши даврида ишлаб чиқаришнинг юксалиши ва хусусий мулк муносабатларининг етилиши жинслар ҳолатида ўзгаришларга олиб келди. Меҳнатнинг жинслар ўртасида тақсимланишининг янги тартиби бунинг дастлабки асоси бўлди. Қўлда бажариладиган деҳқончилик ишларига қарама-қарши ўларок ерларни ҳайдаш, молбоқарлик асосан эркаклар фаолиятининг соҳаси бўлиб қолди. Аёлларга уй ҳайвонларининг олдида яқинлашиш ҳам тақиқланган. Хўжалик фаолиятининг аввалги йўналишлари сақланиб қолган жойларда ҳам, уларнинг янгича ривожланиши эркак меҳнатининг аҳамиятини сўзсиз оширган. Буларнинг ҳаммаси учта муҳим оқибатни келтириб чиқарган:

- Хотин-қизларни хўжалик фаолиятининг асосий турларидан, жамоат ишлаб чиқаришида иштирок этишдан четлаштириш;

- Шундан келиб чиқадики, деярли барча ишлаб чиқариш воситаларининг эркаклар ихтиёрига ва мулкига ўтиши аёлларнинг иқтисодий қарамлигига олиб келди. Шундан сўнг, аёл киши текинхўр ва эрининг қаромоғида, деб қарала бошланди;

- Эркакларнинг ўз мулкани болаларига қолдиришга интилиши қариндошликни она томонидан ҳисобидан ва мерос қолдиришларидан ота томонидан ҳисобига ва мерос қолдиришларига ўтишга асос бўлади¹¹.

Синфларнинг юзага келиш даврида дунёдаги халқларнинг кўпчилигида рўй берган жинслар аҳволидаги ўзгаришларнинг ва ҳамма жойда патрилокалликка ўтиш билан бирга бўлган патриархат ўрнатилишининг асосий негизлари шулардир. Аёл киши турмушга чиқар экан, бегона

¹¹ Қаранг: Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан ўчёрқлар. – Т.: “Ўзбекистон ССР фанлар академияси нашриёти”. 1961. 120-145 бетлар.

муҳитга тушиб қолган, айти вақтда эрнинг уруғларига қўшила олмаган ва ўз уруғлари билан алоқани маълум даражада йўқотади. Кейинчалик айрим жамиятларда аёл киши эр уруғига расман кира бошлаган, лекин бунда унинг тенгсизлиги анъанаси амал қилган. У халқ йиғинларида, суд мажлисларида ва маданий йиғилишларда қатнашишдан четга чиқиб қолган ёки уларда жимгина туриб қатнашган. Аёлларга белгиланган бир қатор ўзига хос патриархат турмуш кўрсатмалари пайдо бўлган, яъни эркакларга йўл бериш, эркаклар тўпланган жойларга бормаслик, бошқа жамоат жойларида зарурат бўлмаса кўринмаслик ва ҳ.к. Жамоат жойларида заруратсиз кўринмаслик аёлларнинг одамлардан узоқлашиб кетишига олиб келди, бу эса кейинчалик мусулмонларнинг диний ҳуқуқи шариат томонидан тасдиқланди¹².

Патриархат синфлар пайдо бўлиши даврида мутлақо устун, лекин ҳар ҳолда жинсларнинг ўзаро ҳолатида универсал тартиб бўлган. Жамиятларнинг бир қисмида эркакларнинг ҳукмронлиги ва аёлларнинг тўла ҳуқуққа эга эмаслиги дастлабки давлатлар пайдо бўлгунига қадар ҳам қарор топмаган, ўшанда ҳам уларда аёлларнинг нуфузли аҳволидан сезиларли жиҳатлар сақланиб қолган. Булар асосан қўл деҳқончилигини амалда қўллаган давлатлар бўлган, бу эса меҳнатнинг жинслар ўртасида тақсимланишининг аҳамиятини ва жинслар ҳолатида юз берган ўзгаришлар учун мулкчилик муносабатларига таъсирини кўрсатган¹³.

Оилавий турмушда эркаклар ва аёлларнинг, катталар ва кичикларнинг тенгсизлиги акс этган патриархал тартиблар ўрнатилди. Қиз бола ўзининг катта ёшдаги қариндошларига сўзсиз бўйсиниши керак бўлган. Эрга теккан аёл оилага: “каттасига”, “энг каттасига”, ўз эрига сўзсиз итоат этиши керак бўлган. Ажралишда амалда эркакларнинг бир томонлама имтиёзи бўлган, агар аёл ўз ота-онасининг уйига қайтиб кетишни истаса, унинг қариндошлари қалин пулини қайтариб беришлари керак бўлган. Бунинг

¹² Қаранг: Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан ўчёрклар. – Т.: “Ўзбекистон ССР фанлар академияси нашриёти”. 1961. 120-145 бетлар.

¹³ Ўша манба.

устига аёл кишига бошқатдан эрга тегишнинг ҳамма вақт ҳам имкони бўлмаган. Левират одати шундай тартибни таъминлаганки, унга кўра, эрининг вафотидан кейин ҳам бева аёл унинг оиласига тегишли бўлишни давом эттирган. Аёл кишининг мулкӣ ва меросга доир ҳуқуқларининг камайиши шунга олиб келганки, кўпгина халқларда унинг мулки деб фақат унинг сепи ҳисобланган. Аёлнинг болаларга бўлган ҳуқуқи ҳам чеклаб қўйилган, яъни ажралиш ҳолатларида болалар отаси билан қолган ёки катта бўлишгач отасининг олдига қайтишган. Оилавий турмушда алоҳида патриархат одоб ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра, аёл эркакдан кейин таомни тановвул қилиши, эрига ва унинг катта ёшдаги қариндошларига ва бошқаларга ҳар хил эътибор кўрсатиб туриши керак бўлган¹⁴.

Демак, ибтидоий даврда ҳам аёллар масалами мураккаб жараён ҳисобланган бўлиб, дастлаб матриархат даврида аёллар мавқеи эркаклардан юқори турсада, патриархат даврга келиб аёллар мавқеи эркаклардан кейинга – иккинчи ўринга тушган. Унинг ҳақ-ҳуқуқлари вақт ўтиб эркакларникига нисбатан камайиб борган.

Буюк файласуф ва олимлар ҳам аёллар ва уларнинг ижтимоий мавқеи ҳақида кўплаб фикрларни билдирганлар. Хусусан, Платоннинг аёлларга муносабати бир-бирига зид бўлган фикрлар билан ифода этилган. Бир томондан, улар жуда салбий, чунки у аёлларни тубан мавжудот, деб билар эди. Эркакларнинг аёлларга бўлган муҳаббатини эркакнинг эркакка бўлган ҳурмати, дўстлиги олдида ҳеч нарса эмас, деб тушунар эди. Платонинг фикрича, эркак киши ҳаёти давомида қатъиятсиз, қўрқоқ, нопок бўлса, ўлимидан сўнг унинг руҳи аёл кишига айланади.

Бошқа томондан Платон ижобий қарашларни намоён қилади: у тасвирлаган мукамал давлатда аёл киши эркак билан бир қаторда барча ишларда иштирок этиши мумкин. Платон аёлларни рўзғор юмишларидан озод этиш лозимлигини таъкидлаб, уларнинг ақлий фаолиятини

¹⁴ Қаранг: Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан ўчёрқлар. – Т.: “Ўзбекистон ССР фанлар академиятси нашриёти”. 1961. 120-145 бетлар.

эркакларники билан тенг деб баҳолайди. (Аёллар файласуф ва жангчи ҳам бўлишлари мумкин эди). Фарзанд тарбиясини эса иккала жинс вакилларига тенг бўлган масъулиятдир¹⁵.

Ж.Ж. Руссо (1712-1778): “Аёл киши нафис ва ўткир идрок эгаси, шунинг учун у факат рўзгор юмушлари ва фарзанд тарбиясидан ташқари таълим олиш имкониятига ҳам эга”, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, никоҳлар муҳаббатга асосланган бўлиши керак ва иккала жинс ҳам мустақил равишда жуфт танлаш ҳуқуқига эга¹⁶.

А. Шопенгауэр (1788 – 1860) эркак ва аёллардаги турли руҳий жараёнларнинг фаркига аҳамият берган. Эркаклар учун мавҳумлик, аёллар учун аниқлик хос. Эркакларга ҳақиқатнинг мавҳум ғояси тушунарли бўлса, аёллар маълум бир инсонга ҳамдардлик билдирадилар. У эркаклар реакцияси меъёр, аёлларники эса меъёрдан чекланиш деган ҳозирги замон фани нуктаи назарига зид фикр билдиради.

Тарихга назар солсак, айрим асрлар давомида аёлнинг камситилиб, унга паст назар билан қаралганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Масалан, ўрта асрларда Европадаги ибодатхоналардан бирида «Аёл одамми ёки йўқ» деган мавзуда баҳс бўлиб, унда кўпчилик аёлни «одам деб аташ мумкин эмас», деган хулосага келган. Германияда 1595 йилда «Аёлнинг одам эмаслиги ҳақида диссертация» мавзуида ҳатто китоб ҳам чоп этилган. Шундан сўнг тадқиқотчилар аёллар ўзининг табиатига кўра товус, илон, бўри, тулки ёки бошқа нарсадир, лекин улар одам эмас, деб ёзишган. XIX асрда немис файласуфи А.Шопэнгауэр аёлни ғоз, Ницше эса мушук тимсоли деб эълон қилганлар»¹⁷.

XIX аср иккинчи ярмида француз тилида “феминизм” тушунчаси (лот. *Femina* – аёл) юзага келди. 1830 йилда “эмансипациялашган аёл” (лот. *emancipation* – озодлик) атамаси пайдо бўлади.

¹⁵ Абдусаттарова О. Оила муҳитида ўсмирларда шаклланадиган жинсий идентификациянинг гендер хусусиятлари / псих.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2007. – 19 б.

¹⁶ Ўша манба – 22 бет.

¹⁷ Холматова М. Жамият ва аёл // «Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида аёлларнинг ўрни» (илмий-амалий конференция тўплами, 2000 й.) – Тошкент, 2000. – Б.39.

Францияда феминизм ҳаракати Буюк Инқилоб даврида XVIII аср охирида пайдо бўлади. Бу даврда О. Де Гуж “Аёллар ҳуқуқлари декларациясини” ишлаб чиқди. Бу, ўз навбатида, қонунчиликда мавжуд бўлган қарама-қаршиликларга ўзига хос жавоб бўлди. Инсон ҳуқуқлари декларацияси, бир томондан жинслар ўртасидаги тенг ҳуқуқийликни тарғиб этса, иккинчи томондан, Наполеон кодексига кўра, аёлларнинг ўрни фақат оила доирасида эканлиги тарғиб этилган¹⁸.

XX аср 70-йилларининг охири ва 80-йилларининг бошларида гендер ўлчови гуманитар фанларда мутлақо янгича йўналиш бўлди. Бу йўналиш, тарихий кичик фан сифатида Ғарбий Европада ва АҚШда феминизм назарияси таъсири остида ва феминизм ҳаракатининг иккинчи тўлқинида жамият ижтимоий тарихий ривожининг янги ижтимоий тарих доирасида шаклланди. Тез орада хотин-қизлар тарихи мустақил ривожлана бошлади ва тарих фанининг муҳим таркибий қисмига айланди. Радикал кайфиятдаги тадқиқотчи аёллар ҳатто ўзлари «His-story» «эркакнинг тарихи» деб ўқийдиган одатдаги «History» - “Тарих” ни «Her-story» - «аёлнинг тарихи» билан алмаштиришни таклиф қилдилар¹⁹.

1899 йил П.Е. Астафьеванинг “Психикритм тушунчаси жинслар психологиясининг илмий асоси сифатида” ва “Аёлнинг психик дунёси, унинг ўзига хосликлари, устунликлари ва камчиликлари” асарлари эълон қилинади. У вақтни психик ҳаётнинг муҳим омили сифатида тасвирлайди (психик акт ва ҳодисаларнинг тезлиги). Бу омилга кўра эркак ва аёлнинг психик турлари ажратилади. Аёлларнинг тезкор психик суръати, эркакларни эса секин суръат ажратиб туради. Бу психологик ритмининг ўзига хослиги қуйидаги кўрсаткичларда намоён бўлади.

Аёллар учун қуйидагилар хосдир:

¹⁸ Абдусаттарова О. Оила муҳитида ўсмирларда шаклланадиган жинсий идентификациянинг гендер хусусиятлари / псих.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2007. – 24 б.

¹⁹ Аҳмедшина Ф., Шнирова О., Школьников И. «Аёллар тарихидан гендер тарихига». Гендер тарихининг концепцияси..... 284 бет

1. Тарқоқ диққат, аниқ ва амалий тафаккур, синтетик тафаккурга мойиллик, ассоциацияларнинг ихтиёрий эмаслиги, тасаввурларнинг эмоционаллиги;
2. Ҳиссиётларнинг пассивлиги, эмоционаллик, кайфиятнинг турғун эмаслиги, хушчақчақлик, рашқ;
3. Ироданинг заифлиги, эмоцияларнинг бошқарилиши;
4. Тез қўзғалувчанлик;
5. Нутқ ва мулоқотда ҳаракатларнинг, мимика, овоз маънолиги; гапга чечанлик, нутқда такрорланишга мойиллик;
6. Манманлик (таннозликда, такинчоқларга ўчликда намоён бўлади);
7. Оригинал ижодга қодир эмаслик (бу билан фанда, санъатда муваффақиятларнинг йўқлиги изоҳланади. Аммо аёллар фаннинг яхши тарғиботчилари ва санъатда тақлидчи бўлишлари мумкин);
8. Ўзгалар фикрига кўникувчанлик;
9. Актриса ва ашуллачи сифатида муваффақиятларга эришиш (эмоционал ифодавийлик билан изоҳланади);
10. Сиёсий фаолиятга қобилиятсизлик²⁰.

XIX аср охирида Германия, Франция, Англия, Италия, Нидерландияда аёллар иштирокида кўплаб тадқиқотлар олиб борилди. Аёллар ёки уларнинг эркаклар билан таққосланишига бағишланган Л. Фратти, Х. Ланге, М. Лефевра, Х. Марион, Л. Мархолье, Э. Кей (сўнгги уч муаллиф аёллар)нинг монографиялари чоп этилди. Эллиснинг “Эркак ва аёл” монографияси рус тилига таржима қилинган. Бироқ психологиянинг бу соҳасида голландиялик олим Г. Гейманснинг хизматлари каттадир. У ўзининг “Аёллар психологияси” китобида бу масалага кенгроқ тўхталган²¹.

Биз қуйида Г. Гейманс китобидаги баъзи ҳолатлар, замонавий гендернинг ривожланиши учун фойдали жиҳатлари (физиолог ва врачлар

²⁰ Абдусаттарова О. Оила муҳитида ўсмирларда шаклланидиган жинсий идентификациянинг гендер хусусиятлари – псих.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2007. – 27-28 б.

²¹ Захаров А.И. Психологические особенности восприятия детьми роли родителей. – Вопросы психологии, 1982, №1, С. 59-75

маълумотларига асосан)ни келтирамиз. Бу таҳлил фаннинг XIX аср бошидаги ҳолатини намойиш этади:

1. Эркак ва аёллар ўртасидаги тафовутлар статистик хусусиятга эга, бунда муайян эркак ёки аёлнинг ўзига хослиги мавжуд бўлиб, уларнинг сифатлари бир-бирига мос келмаслиги мумкин.

2. Психологлар ўз тадқиқотларида аёлларнинг жуда изчил ўргана бошладилар, аммо алоҳида эркаклар психологиясини ҳам таҳлил қилиш лозим.

3. Таҳлил мобайнида тадқиқотчининг жинси ҳам муҳим саналади. Эркаклар аёл психологиясининг мураккаблигини инобатга олмайдилар, аёллар эса уни бўрттириб таҳлил қилишга мойилдирлар.

4. Аёлларда онгнинг торроқ кўлами аниқланган. Эркаклар гаплашиб туриб, бирон-бир ишни бажаришлари мумкин, аёллар эса фақат бир нарсани бажаришга қодирлар (бу ерда диққатнинг тақсимлашини ҳақида). Аёл рефлекслашмайди ва ўз ҳисларини англамайди (масалан, сайр вақтидаги чарчоқ).

5. Уқтириш жинс билан боғлиқ эмас. Бировларнинг таъсирига асосан эмоционал аёл ва эркаклар тушиб қолиши мумкин, бу Гейманс томонидан олинган жуда муҳим тадқиқот натижаси. Жинсий тафовутларни ўрганишда текширилаётганларнинг бошқа типологиялар, хусусан, темпераментидаги алоҳида фарқлар мавжудлигини унутмаслик лозим.

6. Аёллардаги эмоционаллик уларнинг эркаклардан фарқли ўлароқ, энг асосий хусусиятидир. Қизлар ўғил болаларга нисбатан янги предметларга кўпинча эстетик баҳо берадилар, ўғил болаларда эса унинг нима учун мўлжалланганлигига қизиқадилар. Қизлар мактов, танқидга эмоционал муносабат билдирадилар. Уларни таъсирлантириш, кулдириш ёки йиғлатиш осонроқ. (Бироқ Ломбрози қайғуни намойиш этилишини қайғунинг ўзи билан адаштирмаслик лозим деб айтган). Эмоционал сабаблар билан боғлиқ руҳий ҳасталиклар аёлларда кўпроқ учрайди (3/4 ҳолларда). Айниқса, бу кўркув аффектига тегишли. Аёллар мунозарада эмоционал ва берилувчандир.

Олдинда кутаётган жазодан кўрқув натижасидаги суиқасдлар аёлларда кўпроқ учрайди (аёлларда – 49 %, эркакларда – 19 %). Аёллар дўстларининг хазили, масхара қилишлари ва кесатикларига ўта сезгирдир. Диний туйғулар ҳам аёлларда кўпроқ намоён бўлади. Аёллар гўзалликни жуда яхши ҳис этадилар, аммо эркаклар каби ўз таассуротларини тўлиқ тасвирлаб бера олмайдилар.

7. Аёллар яхши қабул қиладилар, бироқ яхши кузата олмайдилар. Бу уларнинг баъзи масалаларга нисбатан кам қизиқишлари билан изоҳланади.

8. Аёлларнинг хотираси яхши. Аммо бунда хотира ривожланишининг даражасини нисбатга олиш зарур. Мукаммал хотиранинг юқори фоизлари эркакларда қайд этилган. Яхши ва ёмон хотира эса аёлларда аниқланган. Қизиқишларнинг мавжуд эмаслиги аёл хотирасини пасайтиради, бу масалан, орфография, арифметик амаллар қоидалари, темир йўл харитаси ва тарихий саналарга тааллуқли.

9. Хаёл ва тасаввурлар. Аёллар фантазияси эркакларникига нисбатан жонлироқ. Чунки улар эмоционалроқдир. Аёллар аниқ ва ранг-баранг тасаввурларга эга. Уларда кўпроқ ихтиёрий галлюцинациялар бўлиши кузатилади (айниқса, инглиз аёлларига нисбатан рус ва бразилиялик аёлларда). Аёллар эркакларга нисбатан бўлиб ўтадиган суҳбат ва мунозараларни аниқ, бошидан охиригача, тўлиқ ҳаёл қила оладилар. Улар ўз қайғуси, кўрқувлари, умидлари ва нафратларини бўрттириб кўрсатишга мойилдирлар²².

Бундан ташқари аёлларнинг оилавий ва шахсий муаммоларни ҳал этишда эркакларга нисбатан фаолроқ эканлиги И.В. Грошев (1996), Р.А. Березовская (2001) тадқиқотларидан келиб чиққан хулосаларида баён этилган²³.

1963 йилда Б. Фриданнинг²⁴ “Латофатлилик сири” китоби нашр этилди. Муаллиф унда функционализмни ҳам, классик психотаҳлилни ҳам танқид

²² Абдусаттарова О. Оила муҳитида ўсмирларда шаклланидиган жинсий идентификациянинг гендер хусусиятлари – псих.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2007. – 30-32 б.

²³ Захаров А.И. Психологические особенности восприятия детьми роли родителей. – Вопросы психологии, 1982, №1, С. 59-75

килади. Оммавий журналларда, кинофильмларда, телеэшиттиришларда кўрсатилган “ҳақиқий” аёл стереотипини 300 нафар ишламайдиган типик аёлларни сўров қилиш натижалари билан солиштирар экан, у бахтиёр уй бекаси образи – бу аёлларга тикиштириладиган уйдирмадир, деган хулосага келади. Аслини олганда, деб исботлайди у, ўрта синф орасидаги аёлларнинг моддий фаровонлиги, шунингдек, уларнинг олий маълумотлилиги уларга беками-кўст эмасликларини, салоҳиятларидан тўлиқ фойдаланилмаётганини, ҳаётдан қониқмаётганликларини англашнинг ўрнини тўлдира олмайди. Шу сабабли улар орасида кўпинча руҳий хасталиклар, алкоголизм, ўз жонига қасд қилиш, болалар билан шафқатсиз муносабатда бўлиш ҳоллари учрайди .

Феминизм асосий оқимлари вакилларининг оилага ҳамда аёллар ва эркакларнинг хусусий соҳадаги ўзаро муносабатларига нисбатан қарашлари муайян социологик анъанага мансублиги билангина эмас, балки маданий-тарихий даврнинг ўзига хосликлари билан, шунингдек, у ёки бу олимнинг шахсий тажрибаси билан боғлиқ бўлган.

Россияда марксистик феминизм ғояларининг ёрқин ифодачиси Александра Коллонтай бўлган. Мазкур йўналишнинг асосий тезиси шундан иборатки, капиталистик жамият қурилиши хотин-қизлар муаммоларининг манбаидир. Капитализм аёллар елкасига оғир юкни юклади: у аёлларни ёлланма ишчиларга айлантирди ва уларни на хўжалик, на оналик билан таъминлади. Бундай вазифаларни қўшиб олиб бориш турмушга чиққан аёл учун ҳаёт эмас, аксинча “дўзахдир”.

Илгариги буржуазия оиласи ўрнига, деб ҳисоблаганди А. Коллонтай²⁴, келгусида “эркак билан аёл ўртасида мулоқотнинг янги шакли, икки нафар эркин ва мустақил, ишлаб пул топадиган кишиларнинг, коммунистик жамият тенг ҳуқуқли аъзоларининг ўртоқлик ва самимий иттифоқи” қарор топади. Либерал феминизм тарафдорлари оила институтининг қадриятини эътироф этганлар. Улар оилавий муносабатларда аёлларга тенг ҳуқуқни таъминлайдиган

²⁴ Қаранг: Азимова Н., Шермухамедова Ж. Гендер ва оила256 бет.

²⁵ Қаранг: Азимова Н., Шермухамедова Ж. Гендер ва оила256 бет.

конунлар қабул қилинишини талаб қилганлар. Улар, шунингдек, хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда кенгроқ иштирок этишларини ҳам талаб қилганлар.

Феминизм классиги Симона де Бовуарнинг таъкидлашича, эса, «аёлга пешонасидаги энг оғир тавқи лаънат бу унинг ҳарбий юришларда катнашмаслигидир. Инсон ҳаёт бериши билан эмас, балки ҳаётини хавф остига қўйиш билан ҳайвондан устун туради, шу сабабли инсоният туғадиган жинсни эмас, жон оладиган жинсни қадрлайди. Бутун сир-асрорнинг ечими ана шунда»²⁶.

Либерал феминизмдаги ёрқин сиймолардан бири Б. Фридан хотин-қизларнинг оилавий ва касбга доир вазифаларини биргаликда қўшиб олиб боришлари учун ижтимоий шарт-шароитлар яратиб бериш фикрини ўртага ташлаган. Қуйидагилар ана шундай шарт-шароитлар жумласидандир:

-таълим муассасаларида, ишга қабул қилишда жинсига қараб камситишга барҳам бериш;

-хотин-қизлар учун малака ошириш махсус дастурларини ишлаб чиқиш;

-мактабгача тарбия болалар муассасаларини, шунингдек, ишнинг ўзгарувчан жадвалини ташкил этиш, эркакларни уй юмушларини бажаришга ҳамда болаларга қарашга жалб этиш, аёллар ва эркакларга болани парвариш қилиш учун таътиллار бериш.

Ҳозирги пайтда хорижда олиб борилаётган қатор илмий тадқиқот ишлари “Аёл – оила” тизимидаги ижтимоий психологик муаммоларга йўналтирилган. Юксак даражадаги тараққиёт таъсирида аёллар психологиясининг оммавий равишда ўрганилаётганлиги даражаси ҳамда оилавий муносабатлар тизимида рўй бераётган янгиланишлар оқимини ўрганиш, қуйидаги икки йўналишдаги тадқиқотларни ўз ичига қамраб олади:

1. Хотин-қизлар мавқеининг профессионал соҳада ўзгариши ва унинг оилавий муносабатларга таъсири.

²⁶ Симона де Бовуар. Второй пол. См. Хрестоматия к курсу « Основы гендерных исследований » (далее « Хрестоматия») М., МЦГИ МВШСЭН, 2001, с. 31

2. Аёллар характеридаги ўзгаришлар оқибатида, унинг қарама-қарши жинсга нисбатан муносабатини ўрганишга қаратилган махсус тадқиқотлардир²⁷.

Хотин-қизларга муносабат масаласи башарият тарихда доимо ўзига хос мураккаб ижтимоий муаммолардан бири бўлиб келган бўлса-да, собиқ Иттифок тизими даврида ўзбек хотин-қизлари аҳволига муҳим ижтимоий масала сифатида қаралмади. Совет ҳукумати ва коммунистик партия ушбу ижтимоий-сиёсий масалани ўзининг сиёсий ва иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб, кескин ҳал қилиш йўлидан борди.

Шунинг учун ҳам хотин-қизлар масаласи муаммоларини ҳал этишга бағишланган хорижий мамлакатлар томонидан қабул қилинган кўплаб халқаро ҳужжатлар собиқ Совет ҳукуматининг эътиборини тортмади. Мисол учун, 1935 йил 21 июнда Женевада қабул қилинган “Ишнинг давом этиш муддатини ҳафтасига 40 соатга қисқартириш тўғрисида” ги 47-Конвенция, 1936 йил 24 июнда қабул қилинган “Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллар тўғрисида” ги Конвенция, 1919 йилда Женевада қабул қилинган ва 1952 йил 28 июнда қайта кўриб чиқилган “Оналикни муҳофаза этиш тўғрисида” ги 103-Конвенция, 1979 йил 18 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Нью-Йоркда қабул қилинган ва 1981 йилда кучга кирган “Хотин-қизлар ҳуқуқларини камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенция шулар жумласидандир. Натижада Совет даврида аёлларнинг ҳуқуқлари жаҳон ҳамжамияти хотин-қизларидан ижтимоий муҳофазалаш борасида анча орқада қолган эди²⁸.

Демак, юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, тарихнинг барча даврларида ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги мавқеига етарлича эътибор берилмаган. Шундай бўлган тақдирда ҳам бу ишларнинг асоси маълум давлат манфаатлари доирасида бўлган (Собиқ Совет тизими бунга мисол бўла олади). Бугунги кунда бу борада катта ўзгаришлар даври бошланиб,

²⁷ Қодирова О.Т. Ўсмирларда оилавий низолар тўғрисидаги ижтимоий тасаввурларнинг шаклланишида оила муҳитининг рўли / псих.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2006. – 18 б.

²⁸ Қаранг: Собирова Д.Т. Ўзбекистонда совет тоталитар тузумининг аёллар масаласидаги сиёсати ва унинг оқибатлари (XIX асрнинг 40-80 йиллари)./тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2009. 46-бет.

хотин-қизлар жамиятнинг барча жабҳаларида йилдан-йилга фаол катнашмоқдалар.

Шу ўринда, бутун дунё доирасида аёллар эрки ва фаровонлиги учун кўплаб ишлар амалга оширилганига қарамай ҳали камчиликлар борлиги ва эркаклар билан аёлларнинг тенг ҳуқуқлилигига тўлиқ эришилмаганини кўришимиз мумкин. Хусусан, хоразмлик ўзбеклар мисолида кўриш мумкинки, ўзбек эркаклари учун аёлларнинг эркинлиги ва фаоллиги меъёрида бўлганлиги маъқулдир. Айни пайтда, эркинликни ва фаолликни маъқулламайдиганлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Бундан кўриниб турибтики, аёллар эрки маълум доирада чегараланишини тақоза этади.

I.2. Динда аёлга бўлган муносабат (Ислом дини мисолида)

Иффат, нафосат, садоқат ва андиша каби инсоний фазилатлар кўпроқ аёллар номи билан боғлиқ ҳолда улуғланади. Аёлнинг жамиятда тутган ўрни ҳақида сўз борганда ана шу фазилатлар алоҳида маъно касб этади. Шундай экан бугунги кун жамият аъзоларининг ярмидан кўпини ташкил қиладиган хотин-қизлар барча замонларда моддий ва маънавий неъматлар яратишда эркаклар билан теппа-тенг заҳмат чекиб келганлар. Шунинг учун маънавияти юксак юртларда аёллар элнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида эъзозланган.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлмиш “Авесто”да ҳам оила мустаҳкамлиги, эрки, хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни, отанинг оиладаги обрўи, онанинг хонадондаги мавқеи масалалари турли ўринларда ҳар хил муносабатлар билан қайд этилган, изоҳланган. Зардушт “аёл ҳуқуқини таҳқир этмоқ ёмон амалдир, у нодонлик белгисидир” дейди²⁹.

Зардуштийликда қиз бола тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Зардушт таълимотича, ҳар бир ота-она ўз қизи балоғат ёшига (15 ёшга) етгунча замонасининг барча хунарларини билишини таъминлаши, мол боқишу рўзғор тутишни мукамал ўргатиши, эътиқодда босит, покиза қилиб тарбиялаши зарур. Бу бир томондан, ота-она ишини енгиллатиб, хонадон юмушлари ҳамиша саранжом, пок, исрофгарчиликсиз бўлишини, иккинчи томондан, қиз тушган хонадоннинг ободлигини таъминлашга замин яратади, янги оила мустаҳкамлигини таъминлайди.

Зардуштийлик дини жамиятда, оилада аёлнинг эрлар билан баробар ҳуқуқли бўлишига интилган. “Авесто”³⁰ нинг 53-яштида Аҳурамазданинг бу хусусидаги фаразлари-ю, Зардушт пандлари келтирилган.

К. Миллеттнинг таъкидлашича, “патриархат ҳар доим худо ўзининг томонида деб ҳисоблаган”. Ҳақиқатдан ҳам эркаклар ўзларини жамият меъёри сифатида таъкидлайдилар. Аёллар эса бундан бегона ва бошқадирлар. Эркаклар орасида кенг тарқалган – аёл бўлиб туғилмаганинга ҳаётдан хурсанд бўлиб яша, каби иборалар К.Миллеттнинг фикрини яна бир бор таъкидлайди³¹.

²⁹ Ҳамиджон Ҳомидий. “Авесто”да оила ва аёл эрки талқини // Ҳуқуқ ва бурч. № 3. Тошкент. 2012. 41б.

³⁰ Ҳамиджон Ҳомидий. “Авесто”да оила ва аёл эрки талқини // Ҳуқуқ ва бурч. № 3. Тошкент. 2012. 42 б.

³¹ <http://www.gender.ru> - Семёнова Л.Э., Семёнова В.Э. ОБРАЗ ЖЕНЩИНЫ В РЕЛИГИЯХ МИРА

Буддизимнинг муқаддас китобларида аёл ва эркаклар деярли тенг деб қаралади, бироқ юксак маънавият соҳасида бунинг аксини ифодаловчи анъаналар мавжуд. Афсоналарда таъкидланишича Ситгҳарта Гаутаманинг ўзи аёлларнинг роҳиба бўлишларига бутунлай қарши бўлган. Чунки дарвешона ҳаёт кечириш аёлларнинг қўлидан келмаслигини асосий сабаб деб билган. Шунинг учун ҳам будда эътиқодидаги эркаклар ўзларини дуоларида тақдирга аёл бўлиб яралмаганликлари учун шукурона айтадилар. Шундай бўлса ҳам Ситгҳарта Гаутама роҳибаликка роҳиба бўлишни жуда хоҳлаган аёлларга рухсат берган. Лекин шуниси қизиқки, аёл роҳибаларга эркак роҳиблар каби ҳурмат билан қарашмайди. Шунинг учун ҳам Бирмада шундай мақол бор: “Агар аёл киши турмушга чиқмаган бўлса, ёки касодга учраган бўлса, демак, унинг пушти кийим кийишдан бошқа иложиси йўқ”. Сабаби Бирмада бошқа жойлардан фарқли равишда роҳибалар пушти кийимда юришади³².

Христиан динида ҳам аёлларга у даражада катта эътибор қаратилмаган. Бунинг асосий сабабини христианларнинг асосий афсонаси бўлмиш Адам ва Ева афсоналарида кўриш мумкин. Унга кўра Ева, яъни аёл Адамни алдаган биринчи киши бўлиб, унинг гуноҳи туфайли бутун одамзод худо томонидан жазоланган яъни жаннатдан қувиб юборилган. Шу тариқа аёллар қарғиш олиб юрадиган, барча инсониятнинг қайғуларини сабабчиси деб ҳисобланган. Евага чиқарилган ҳукум сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, бу аёлларнинг жамиятдаги ўрнининг тушиши, унинг ерга урулиши, Ғарбдаги патриархал анъаналарнинг асосий аргументи ҳисобланади. Эркаклар бунинг ёрдамида аёллар устидан ҳукм сура бошладилар. Ушбу аргумент ёрдамида эркаклар аёллардан юксакликларини исботлаб келишган. Апостл Павелнинг христианлик динидаги фикри бунинг яққол далилидир. Яъни, у “аёлларда барча гуноҳларнинг бошланиши ётади. Биз у туфайли ўлимни татиб кўрамиз”, деб таъкидлайди³³.

³² <http://www.gender.ru> - Семёнова Л.Э., Семёнова В.Э. ОБРАЗ ЖЕНЩИНЫ В РЕЛИГИЯХ МИРА.

³³ Ўша манба.

Ислом барча динлар ичида ижтимоий жихатдан кенг қамровлидир. Юқорида бошқа динларда аёлларга бўлган муносабат ҳақида қисман тўхталдик, бу эса Ислом дини билан таққослаш учун маълум асосдир.

Ислом таълимотида аёлларга нисбатан «муслима» дейилишидан уларга бўлган муносабат қай даражада улуғлигини билиб олса бўлади. Собик Шўролар даврида Ислом динининг аёлларга бўлган муносабатининг мазмун-моҳиятини билмай туриб, бу дин «хотин-қизлар ҳуқуқини поймол этувчи», деган гаплар билан ислом динига қарши таъна тошлари отилар эди. Хусусан, юридик фанлари доктори Х.С. Сулаймонова қуйидагиларни таъкидлайди: “Октябрь революциясидан илгари Ўзбекистон хотин-қизларининг турмуши ғоят оғир эди. Уларда на иқтисодий ва на сиёсий ҳуқуқ, хатто элементар гражданлик ҳуқуқлари ҳам йўқ эди. Асрлар бўйи хотин-қизлар зулмат ва тутқунликда яшаб келдилар. Асрлар ўтди, замонлар ўтди, бир ижтимоий тузум ўрнига иккинчиси келди, аммо хотин-қизларнинг аҳволида ҳеч қандай ўзгаришлар юз бермади. Хотин-қизлар аввалгидек ҳуқуқсиз, эзилган ҳолда қолаверди. Реакцион феодал мусулмон руҳонийлари оилавий ҳаётда патриархал муносабатларни қонунлаштириб ўзбек хотин-қизларининг онгини ва турмушини диний фанатизм ва хурофот билан заҳарлар эдилар”³⁴.

Маълумки, хотин-қизлар масаласи инсоният тарихида ҳамиша ўзига хос мураккаб муаммо бўлиб келган. Миллионлаб Туркистон аёллари қисматини ўз ичига олган бу ижтимоий-сиёсий масалани XX асрнинг 20-йилларининг иккинчи ярмида большевиклар ўз андозалари асосида кескин ҳал қилдилар.

Туркистон хотин-қизларининг ҳаёти қадимдан мусулмончилик қонуниятлари ва анъаналари асосида қурилган бўлиб, Совет даврида ана шу диний қадриятлар ва анъаналар “хурофот” сифатида қораланиб келинди. Совет ҳукумати ўрнатилгач, аёлларнинг бутунлай янги авлодини, уларни фақат оилани ўйлайдиган шахслар эмас, балки кўпроқ жамият ижтимоий, сиёсий ҳаётида эркаклар билан тенг асосда фаол иштирок этишни истайдиган

³⁴ Сулаймонова Х.С. Дин аёллар озодлиги душмани. Т., Ўзбекистон КПКМ нинг бирлашган нашриёти. 1964.Б-30, 3-4-бетлар.

шахслар қилиб тарбиялаш асосий вазифа қилиб қўйилди. Октябрь тўнтаришидан кейин Совет давлати Туркистонда хотин-қизлар тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, балоғатга етмаган қизларни эрга беришни тақиқлаш каби масалалар бўйича бир қатор қонун ва йўл-йўриқларни қабул қилди³⁵.

Лекин бу масалалар жамиятни фақат советлар давридагина қизиқтирди дейиш хато бўлади. Чунки XX аср бошларидаёқ Ўзбекистонда пайдо бўлган миллий – тараққийпарвар ҳаракатлар дастурида аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиши ва ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини эгаллаши масаласи ўз аксини топган эди. Масалан, жаид ташкилоти³⁶ “Шўрои Ислом” ўзининг дастурида биринчи бўлиб аёлларга сайловларда қатнашиш ҳуқуқини бериш масаласини қўйди. Жаидчилик раҳбарлари М. Бехбудий, А. Фитрат, Ф. Хўжаев, А. Чўлпон, А. Авлоний каби тараққийпарварлар хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини ниҳоятда юқори баҳолаб, уларни ижтимоий озодликка чиқариш зарурлигини таъкидлаган эдилар. Уларнинг фикрича, жамиятни ўзгартириш маънавий ва маданий-маиший ҳаётнинг тубдан ислоҳ қилишдан бошланиши керак. Яъни, хотин-қизларни жамиятнинг тўлақонли аъзолари сифатида қабул қилмасдан, оила масаласини тўғри ҳал қилмасдан, ёш авлодни тўғри йўлда тарбияламасдан туриб, жамиятни ислоҳ қилиш, унинг ривожини тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмас, охир оқибатда миллат тақдири унинг аёллари ва оиласининг ҳолатига боғлиқдир. Шунинг учун XX асрнинг 20-йилларида амалга оширилган тадбирлар нафақат хотин-қизлар, айти пайтда жамиятнинг прогрессив руҳдаги эркаклари томонидан ҳам қўллаб-қувватланган эди.

1926 йилнинг сентябрида Ўрта Осиё партия комитетларининг хотин-қизлари бўлимлари ҳодимлари иштирокида кенгаш ўтказилди ва у ерда хотин-қизлар орасида олиб борилаётган ишларни жадаллаштириш ва уни мажбурий равишда ўтказишга қарор қилинди. Бу мажбурий тадбир “Ҳужум”

³⁵ Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. II Том. Т.2000. 375-бет.

³⁶ Ўша манба. 375-376 бетлар

деб аталди, яъни хужум услубида аёллар муаммосини ҳал қилиш сиёсати устун ола бошлади. Бу компанияни ўтказиш учун 1926 йил декабрда Ўрта Осиё республикалари ва хусусан, Ўзбекистонда махсус комиссиялар тузилди³⁷.

Хотин-қизларни озодликка чиқаришнинг энг муҳим вазифаларидан бири паранжига қарши кураш эди. Бу тадбирни аёллар қувонч билан кутиб олишган. Чунки қора чимматни ташлаш ёруғ оламни очиқ юз билан кўриш, илм олиш, ҳаётда эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиш уларнинг асрлар давомидаги орзуси эди. 1927 йил 8 март куни Ўзбекистонда бўлган юзлаб митингларда қатнашган минглаб хотин-қизлар ўз паранжиларини ташладилар. Лекин бу ижтимоий-сиёсий тадбирни ўтказишда ўша даврда мавжуд бўлган ижтимоий аҳвол, миллий-маънавий дунёқараш, оиладаги эркак билан аёл ўртасидаги муносабат, кишилар онгига сингиб қолган ислом қадриятлари, оила ва аёллар масаласидаги мавжуд анъаналар, урф-одатлар эътиборга олинмади³⁸.

“Хужум” муваффақиятларидан эсанкираб қолган компартия ва унинг сиёсий раҳбарияти Ўрта Осиё халқлари қонига сингиб кетган ислом омилини бутунлай инкор этди. Шунингдек, ижтимоий омилга ҳам эътибор берилмади. Бундай шошма-шошарлик аҳоли орасида Совет ҳукуматига нисбатан душманлик муносабатини кучайтирди. Улар хотин-қизларнинг озодликка чиқишларига очиқдан очиқ қарши чиқа бошладилар. Ҳукумат вакиллари паранжисини ташлаган хотин-қизларга нисбатан қилинган жиноятларини руҳонийлардан кўрдилар, уларни бош айбдор деб ҳисобладилар³⁹.

Лекин Қуръон карим ҳам аёлларнинг ижтимоий ҳаётда ва ишлаб чиқаришда иштирок этишни тақиқламайди. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, бир қатор тараққийпарвар руҳонийлар диний бошқармалар қошида “Хотин-қизлар бўлимлари” ташкил этишга ҳаракат қилганлар. Жумладан, Фарғона водийси қишлоқларида “Диний бошқарма хотин-қизлар

³⁷ Аминова.Р.Х. Октябрь и решение женского вопроса в Узбекистане. – Т., 1975. 38-бет

³⁸ Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. II Том. Т.2000. 376-бет.

³⁹ Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. II Том. Т.2000. 379-бет.

бўлими мудираси Мурсали биби” имзоси билан аҳоли ўртасида даъватномалар тарқатилган⁴⁰. Унда паранжи ташлашга қаршилик кўрсатмаслик, айни чоғда диний тарбияни унутмаслик таъкидланган.

“Хужум” ҳаракатининг асл мақсади фақат паранжи ташлашдан иборат эмас, балки хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш эди. Шу мақсадда ўша йилларда Ўзбекистонда ва унга қўшни республикаларда бир қатор хотин-қизлар артеллари ташкил қилинди⁴¹. Мустабит Совет давлати ва унинг ғоявий раҳнамоси большевиклар партияси ўзи илгари сурган “Хужум” компаниясини қўллаб-қувватлаган ўзбек аёллари жасоратига охирида қатағонлик сиёсати билан “ташаккурлар” билдирди. Лекин зиддиятлар ва йўл қўйилган жиддий ҳатоларга, жисмоний ва маънавий йўқотишларга қарамасдан, “Хужум” ўзбек аёлининг озодликка чиқишида, тенг ҳуқуқликка эришишда, ижтимоий ҳаётда эркаклар билан тенг мавқега эга бўлишида муҳим тарихий босқич бўлди.

Ислом динига кўра, Аллоҳ яратган барча мавжудотлари орасида инсонни мукаррам қилди. Инсониятнинг аввали бўлмиш Одам атони ўз қўли билан яратиб, унга гўзал сурат, хуш қомат ато этди, осойишта ва хотиржам ҳаёт кечириши учун унинг жуфтини, яъни Момо Ҳаввони яратди. Мана шундан бошлаб инсонлар ўз ҳаётларини жуфтликда давом эттириб келадилар. Бу ҳақида Қуръони каримда бундай марҳамат қилинган: “Унинг аломатларидан (яна бири) – сизлар (нафсни қондириш жиҳатидан) таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўртангизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган кишилар учун аломатлар бордир”(Рум сураси, 21 оят)⁴². Ушбу оятда аёл зотининг яратилиши эркаклар учун Аллоҳ таолонинг чексиз муруввати эканини англаш мумкин. Зеро, эркак киши учун бу дунёнинг роҳату фароғати солиҳа аёли билан унсу улфатда, хотиржамликда яшашдир.

⁴⁰ Любимова С.Т. За новый быт. – Т., 1926. –С. 38.

⁴¹ Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. II Том.– Т. 2000. 382-бет.

⁴² Қаранг. Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. –Т., 2001. – Б. 271; Ҳомиджон Ишматбеков. Аёлни эъзозланг. “Ўзбекистон мусулмонлар идораси. Моварауннаҳр” нашриёти. – Т., 2013. 5-бет.

Қуръони каримнинг ўндан ортиқ сураларида аёллар ҳақида сўз юритилган бўлиб, бу сураларидан иккитасида, яъни “Нисо” ва “Талок” сураларида аёлларга қаратилган бир қанча ҳукмлар баён қилинган. Шунингдек “Бақара”, “Моид”, “Нур”, “Аҳзоб”, “Мужодала”, “Мумтахана” ва “Таҳрим” сураларида ҳам аёллар ҳақида сўз юритилган⁴³.

Ўтмишда баъзи бир юртларда жамиятнинг асосий қисмини ташкил этган аёлларга нисбатан муносабат жуда ҳам ачинарли бўлган⁴⁴. Масалан, қадимги Мисрда Нил дарёси қирғоғида яшовчи аҳоли агар қурғоқчилик бўлиб, дарёнинг суви камайиши натижасида экинлар унмай, яшаш оғирлашиб қолса, ўз қабилаларидан битта қизни дарёга ташлаб қурбонлик қилишган, бу билан дарёнинг суви кўпайишидан умидвор бўлишган.

Исломдан олдин аёллар меросга ўтадиган мулк каби эдилар. Эри вафот қилса, аёлни эридан қолган меросларга қўшиб тегишли кишиларга мулк қилиб берар эдилар. У киши истаса аёлни хотин қилар эди, истамаса йўқ. Шу тариқа аёлнинг шаъни, унинг одабийлиги буткул топталган эди. Шундай бир пайтда Ислом келиб, аёлларни бу каби ҳўрланишлардан озод қилиш билан бирга уларга мерос олиш ҳуқуқини берди.

Яҳудийлар ҳайз кўрган аёлга нажас нарсага қараган каби қараб, ҳайз кўрган аёллари билан бирга ўтирмай, бир хонада турмай, қўлидан таом емаган. Ислом дини инсонни мукарам эканлигини эълон қилиб, ҳайз кўрган аёлларга нисбатан бундай муомала қилиш Исломда йўқлигини кўрсатади.

Ислом дини аёлларга ўз ҳуқуқларини қайтариб бера туриб, аёлларни илм олишга нафақат ҳақли эканини, балки фарз эканини **«Илм олиш ҳар бир мўъмин ва мўъминага фарздир»** дея маълум қилди⁴⁵.

Ислом таълимотида аёлларга нисбатан бағрикенглик ғоялари мавжуд бўлиб, хотин-қизларни эъзозлаш ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга алоҳида эътибор берилади. Ризоуддин ибн Фаҳриддин ўзининг “Оила” асарида

⁴³ Ҳомиджон Ишматбеков. Аёлни эъзозланг. “Ўзбекистон мусулмонлар идораси. Моварауннаҳр” нашриёти. – Т., 2013. 13 бет

⁴⁴ Ҳомиджон Ишматбеков. Аёлни эъзозланг. “Ўзбекистон мусулмонлар идораси. Моварауннаҳр” нашриёти. – Т., 2013. 5-6 бетлар.

⁴⁵ WWW.Muslimaat.uz. Ислом аёлни улуғлайди.

аёлнинг мавқеини қуйидагича изоҳлайди: “Хотин фақирликка қарши бир ажрдир, ватани, уйи, истеҳкоми тиришқоқлик фани, ҳарбий идора, қуроли игна билан қайчи дерлар. Лекин ёлғиз аскаргина эмас, балки бунинг устига келишув қозиси, тарбиячи, насихатгўй ҳамдир. Дарҳақиқат, хотинлари тарбияли бўлган халқ тарбияли, хотинлари тарбиясиз бўлган халқ тарбиясиз, хотинлари ялқов ёки исрофгар бўлган халқ фақир, хотинлари тиришқоқ, тадбиркор, иродали ва қаттиққўл бўлган халқ бой-бадавлат бўлади”⁴⁶.

Аёл киши, аввало, Она сифатида кадрланади. Қуръони каримнинг бир нечта оятларида онани эъзозлашга, унинг ҳаққини адо этишга буюрилган. Шунингдек муқаддас ҳадисларда ҳам оналар эъзозланган. Хусусан, Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.) “Жаннат – оналар оёғи остида”, дебган.

Ислом таълимотида оилали аёлнинг зиммасига қатор вазифалар юклатилиши билан баробар, оилада у ўз ҳақ-ҳуқуқига ҳам эга эканлиги айтилган бўлиб, бу ҳақда Қуръони каримда: “Аёлларнинг зиммаларида (вазифалари) бўлганидек, улар учун ҳам ўз меъёрида (ҳуқуқлари) бордир...”, - деб баён қилинган (Бақара сураси, 228-оят)⁴⁷.

Ҳадисларда ривоят қилинишича, саҳобалар Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: “Зиммамизда хотинларимизнинг қандай ҳақлари бор?”, – деб сўрашганда, У зот: “Еганингизда уни ҳам едирмоғингиз, кийганингизда кийдирмоғингиз, юзига урмаслик, ёмон сўзлар билан ҳақорат қилмаслик, фақат уйдан чиқмаган ҳолда ўринни бошқа қилиб ётмоқлик”, – деган. Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.)нинг: “Аёллар эркакларнинг ажралмас бир қисмидирлар”, деган ҳадисларига биноан аёл киши жамиятнинг ажралмас бир бўлаги экан, у ижтимоий ҳаётда ўз мавқеига эга бўлиб, илм олишга, касб-ҳунар қилишга ҳақлидир⁴⁸.

Аммо баъзилар юқоридагиларга зид бўлган фикрларни ҳам билдирганлар. Хусусан, XX аср бошларидаги хорижий исломшунос олимнинг фикрича, ислом динидаги муқаддас ишларни амалга оширишда

⁴⁶ Ризоуддин ибн Фаҳриддин. Оила. -Т.,1992. - Б. 30.

⁴⁷ www.islom.uz. Исломда аёл кадри. Раҳматуллоҳ Сайфуддинов. Тошкент шаҳридаги “Хўжа Аламбардор” жомеъ масжиди имом хатиби

⁴⁸ ўша манба

аёллар камдан кам иштирок этадилар. Ушбу йўл улар учун жудаям оғир, ҳар холда эркаклар шундай деб ўйлашади. Ҳаттоки аёлларга гўр қазиганда ҳам эркаклардан кўра чуқурроқ казилади. Бунинг асосий сабаби: “аёл қаерда бўлмасин, эркак билан бир даражада бўлиши ман этилган”. Дж.Байрона эса: “мусулмонлар аёлнинг қалби бўлишини билишни ҳам хохламайдилар ...” , дейди ⁴⁹.

Қуръондаги хотин-қизлар тўғрисида қонун даражасидаги қоидаларнинг ижобий тафсирига илк маротаба мусулмон модернизми вакиллари эътибор бердилар. Бундай ғоя фақат узоқ хориждаги мусулмон мамлакатларида эмас, айти замонда Марказий Осиёда ҳам кенг тарқалди.

Мусулмон маърифатчи – феминистларининг илк вакилларида бири мисрлик ёзувчи ва ҳуқуқшунос Қосим Амин эди. У илғор Ғарбдагига нисбатан мусулмон мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ва маданий қолоқлигининг асосий сабабларидан бири ушбу мамлакатларда мусулмон хотин-қизларнинг тубан аҳволи эканлиги деб билди. Қосим Аминнинг “Хотин-қизларнинг озод этилиши” ва “Янги хотин-қизлар” деб номланган китоблари Миср жамиятига кучли таъсир этди ва замонавийлашган ислом дини нуқтаи назаридан оила-никоҳ муносабатларини ислоҳ қилишнинг ашаддий тарафдорлари кўпайишига олиб келди.

Модернистлар (замонавийлаштирувчилар) таълимотининг моҳияти шундан иборатки, модернистлар мусулмон хотин-қизларининг эзилганлигини эътироф этиб, бироқ бундай вазиятнинг сабабини ислом динидан қидирмадилар. Исломи динини хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқларини эътироф этишда илғор аҳамиятга эга деб ҳисобладилар.

Мусулмон хотин-қизларининг хўрланганликлари учун асосий айбни улар мусулмон илоҳиётчилари ва қонуншунослари зиммасига юкладилар. Уларнинг фикрича, илоҳиётчи ва қонуншунослар Қуръон қоидаларини бузиб нотўғри талқин этганлар. Бундай ғализликлар шариатда ҳам ўз

⁴⁹ <http://www.gender.ru> - Семёнова Л.Э., Семёнова В.Э. ОБРАЗ ЖЕНЩИНЫ В РЕЛИГИЯХ МИРА.

ифодасини топган. Модернистлар мусулмон ҳуқуқшуносларини шариат тамойилларини қайта кўриб чиқишга ва «шариат негизларини тушунтиришда янги замон талаблари билан ҳисоблашишга» чорладилар. Ислоҳчилар хотин-қизларнинг ижтимоий мавқеи баланд бўлиши ва бунинг учун уларга мутаносиб маданий ва ҳуқуқий тарбия ва таълим бериш лозимлиги, бинобарин, уларнинг жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзолари бўлиб жамият тараққиётига ҳисса қўшишларига имкон бериш тўғрисида баҳс юритдилар⁵⁰.

Ислом ислоҳчилари мусулмон жамиятида хотин-қизлар таҳқирланишининг сабабларини кўрсатдилар. Бундай сабаблар жумласига қолоқ, консерватив ва яшовчан урф-одат ва анъаналарнинг мавжудлигини киритдилар. Уларнинг фикрича, бундай анъаналар диний урф-одатлардан кўра кўпроқ томир отиб, уларга қатъий ва муқаррар тарзда риоя қилинмоқда. Бунинг оқибатида Қосим Амин таъкидлайдики, «хотин-қизлар эркалар фойдаланадиган ва керак бўлмаганда ташлаб юбориладиган нарсага айланиб қолди. Эркак учун бу – эркинлик, аёл учун эса – жохиллик; эркак учун амр – фармон бериш ҳақ-ҳуқуқи, хотин-қизлар учун эса сабр-бардошли бўлиш ва итоаткорлик ҳуқуқи қарор топди»⁵¹.

Баъзи китобларда шундай нотўғри фикр учрайди: «Ҳавво онамиз Ҳазрати Одамга қўшилди, унга жаннат мевасидан едирди. Бу ҳодиса иккисининг ҳам жаннатдан чиқишига сабаб бўлди. Бунинг учун Жаноби Ҳақ ҳайз ва ҳомиладорликни Ҳазрати Ҳаввога жазо қилиб берди».

Ислом дини келгач, яҳудийлар ва насронийларнинг аёлларга нисбатан бундай қарашларини бартараф этди. Одамнинг (алайҳиссалом) жаннатдан чиқишига сабаб бўлган айбни фақат хотинга юкламади. Ҳар иккисини ҳам масъул тутди. Исломда аёл ёмонликларнинг ва шайтон иғволарининг манбаи саналмайди. Ислом ақидасида, Ҳазрати Одамни

⁵⁰ Валиева А. Ислом дини ва хотин қизлар. – Т, 2001. – Б. 47-48.

⁵¹ Валиева А. Ислом дини ва хотин қизлар. – Т, 2001. – Б. 49.

хотини йўлдан урди, деб инонилмайди. Ислом бу ботил эътиқод ва тушунчаларни тамоман рад этган.

Қуръони карим Одам ва Ҳавво тўғрисида шундай маълумот беради: “Бас, уларни шайтон йўлдан оздириб. масканларидан чиқарди” (Бақара, 36). “Сўнг шайтон уларни беркитилган авратларини очиб юбориш учун васвасага солди”(Аъроф, 20). Қуръони карим уларнинг тавбалари ҳақида шундай дейди: “Улар: “Парвардигоро, бизлар ўз жонимизга жабр-зулм қилдик. Агар бизларни мағфират қилмасанг ва бизларга раҳм қилмасанг, шубҳасиз, зиён кўргувчилардан бўлиб колурмиз”, дедилар...”(Аъроф, 23). Ҳатто Қуръон баъзи оятларида масъулиятни Ҳазрати Одамга юклайди: “Сўнг шайтон унга васваса қилиб: “Эй Одам, мен сенга абадийат дарахтини ва йўқ бўлмас мулку давлатни кўрсатайми?” деди... Одам Парвардигорига осий бўлиб, йўлдан озди.” (Тоҳа, 120-121). Таъқиқланган дарахт мевасидан тотганлик айбини Ҳавво онамизга юклаган, аёлларни хор ва ҳақир деб ҳисоблайдиган яҳудийлик, насоролик ва буддавийликка оид бунақа жоҳилий қарашларга Қуръони карим нуқга қўйган⁵².

XII асрда яшаб ижод этган буюк фикҳшунос олим Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя ал-фуруъ ал-фикҳ” асарида мусулмонларнинг шаръий ҳақ-ҳуқуқлари кенг ёритилиб, унда ислом таълимотида аёлнинг жинсига, латофатига, биологик жиҳатига қараб ҳақ-ҳуқуқлари белгиланади, шу билан бирга, аёлнинг эр, оила ва фарзандлар олдидаги вазифалари тайин этилади, илм олиш соҳасида ҳам аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли эканлиги уқтирилади⁵³.

“Ҳақиқатан Исломда барча инсонлар тароқ тишларидай тенгдирлар. Инсонлараро устунлик фақат Аллоҳдан кўрқиш жиҳатидандир. Мол-дунё ўлчов бўлолмайди, чунки келгувчи-кетгувчидир. Бу маънода исломда йўқ бўладиган хусусиятда тенглик масаласида ортиқча тўхталмаслик керак,

⁵²Қаранг. Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. -Т., 2001. -Б. 6, 94, 208; Аёлларга оид энг зарур фикҳий масалалар. Тошкент «Мовароуннаҳр» 2004 (61бетли). 7- бет

⁵³ Бурҳониддин Маргинани. “Ҳидоя”(Комментарии мусульманского права). –Ташкент: 1994. – Б.139.

хисоблади. Аксинча, йўқ бўлмайдиган хусусиятлар устида тўхталиш лозим дейилди. Яъни диндорлик, гўзал ахлоқ, чирой ва илм кабиларга”⁵⁴.

Ислом дини аёллар Аллоҳнинг олдида эркаklar билан тенгхуқуқли, барча амалларда улар билан баробар мукаллаф эканларини эълон қилган. Бу ҳақида “Ахзоб” сурасида бундай дейилади⁵⁵: “Албатта, муслим ва муслималар, мўмин ва мўминалар, итоатли эркаklar ва итоатли аёллар, ростгўй эркаklar ва ростгўй аёллар, сабрли эркаklar ва сабрли аёллар, тавозели (камтар) эркаklar ва тавозели аёллар, садақа қилувчи эркаklar ва садақа қилувчи аёллар, рўза тутувчи эркаklar ва рўза тутувчи аёллар, авратларини (ҳаромдан) сақловчи эркаklar ва (авратларини ҳаромдан) сақловчи аёллар, Аллоҳни кўп зикр этувчи эркаklar ва (Аллоҳни кўп) зикр этувчи аёллар – улар учун Аллоҳ мағфират ва улуғ мукофотни (яъни жаннатни) тайёрлаб қўйгандирлар”. Бошқа бир ояти каримада эса: “Эркакми ё аёлми – кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирор эзгу иш қилса, бас, Биз унга ёқимли ҳаёт бахш этурмиз ва уларни ўзлари қилиб ўтган гўзал (солиҳ) амаллари баробаридаги мукофот билан тақдирлаймиз” (Наҳл,97), дейилган⁵⁶. Демак, бундан билишимиз мумкинки, ислом муслим ва муслималарнинг амаллари, уларнинг ишларини бир хил баҳолаган ва тенг қўйган.

Ўз навбатида, ҳоразмлик ўзбеклар эркаklarнинг аёллар билан тенглигига қай даражада қарашларини билиш мақсадида тадқиқот ўтказиб, “Оилада аёлнинг ишлашига қандай қарайсиз?” деган савол билан респондентларга мурожаат қилдик. Жавоблардан маълум бўлдики, “оилада ҳамма тенг ҳуқуқли, шундай экан оилани моддий таъминлаш учун аёл ҳам, эркак ҳам бирдек ишлаши керак” деб жавоб берганлар умумий 41 % бўлиб шундан аёллар (53,3%) эркаklarга (22,5%) нисбатан кўпчилиқни ташкил қилди. “Агар аёлларга хос уйда ишласа бўладиган ишлар (масалан, тикувчилик, тўқувчилик ва ҳ.) бўлса, қисман маъқуллашман”, деган жавобни эса (умумий 18 %) аёлларга (10%) нисбата кўпроқ эркаklar (30%) бердилар.

⁵⁴ Аёлларга оид энг зарур фикҳий масалалар. Тошкент «Мовароуннаҳр» 2004 (61бетли). 40-41 бетлар.

⁵⁵ Ҳомиджон Ишматбеков. Аёлни эъзозланг. “Ўзбекистон мусулмонлар идораси. Мовароуннаҳр” нашриёти. – Т., 2013. 25-26 бетлар.

⁵⁶ Қаранг. Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. -Т., 2001. -Б. 231.

Бундан кўриниб турибдики эркакларнинг кўпчилиги (45%) ҳалигача аёлларнинг жамоат ишларида фаол ишлашларига ўзларининг қаршилигини билдириб келмоқдалар. “Умуман қаршиман, аёл оилада фақат уй бекаси бўлиши керак” деб жавобни берганлар 8 % бўлса, шулардан 15% эркаклар, 3,3% аёллар ташкил этди (2-жадвал),.

2-жадвал

Оилада аёлнинг ишлашига муносабат (% ҳисобидан)

№	Белгиланган жавоблар	ўрни	Умумий	ўрни	Аёл	ўрни	Эркак
1	Оилада ҳамма тенг ҳуқуқли, шундай экан оилани моддий таъминлаш учун аёл ҳам, эркак ҳам бирдек ишлаши керак	1	41	1	53,3	3	22,5
2	Қаршимасман. Бу оиланинг моддий таъминотини яхшилайд	2	24	2	21,7	2	27,5
3	Агар аёлларга хос уйда ишласа бўладиган ишлар (масалан, тикувчилик, тўқувчилик ва ҳ.) бўлса, қисман маъқуллайман	3	18	3	10	1	30
4	Ишлаши керак, фақат оладиган ойлиги эркакникидан паст бўлиши лозим	5	7	4	8,3	5	5
5	Умуман қаршиман, аёл оилада фақат уй бекаси бўлиши керак	4	8	5	3,3	4	15
6	Жавоб йўқ	-	2	-	3,3	-	-

Демак, хулоса қиладиган бўлсак, Аллоҳ аёл зотининг ўзини ҳам, сўзини ҳам эъзозга лойиқ қилиб яратган. Қиз, аёл ва оналар доимо ота, ўғил ва яқин эркак қариндошлар паноҳида ва ҳимоясида бўлиши лозим. Уларни ёлғиз ҳолда бегоналар орасида ҳимоясиз ташлаб қўйиш ва эътиборсиз қолдириш мутлақо мумкин эмас. Хотин-қизлар шаънини ҳимоя қилиш иймонли кишиларнинг шарафли бурчидир. Мусулмончиликда эркак киши қалқон мисол бўлиб, аёлини ҳимоялаб олдига ўтиб юриши ҳам уларнинг ҳурматини ўрнига қўйиш ҳисобланади.

Биринчи боб якунида шуни таъкидлаш мумкинки, ижтимоий ҳаётда ҳам, диний ҳаётда ҳам аёллар ва уларнинг ўрни, фаоллиги масаласи ҳар доим эътиборда бўлган. Бу борада бутун дунё доирасида кўплаб ишлар амалга оширилган. Бироқ эркаклар билан аёлларнинг тенг ҳуқуқчилигига “тўлиқ” эришилмаганини кўриш мумкин. Хусусан, хоразмлик ўзбеклар мисолида кўриш мумкинки, ўзбек эркаклари учун аёлларнинг эркинлиги ва фаоллиги

меъёрида бўлиши, динда ҳам аёллар эркаклардан кейин иккинчи ўринда туришини кўришимиз мумкин. Лекин бу нарсa аёлларнинг заиф ёки ожиза эканлиги учун эмас, балки улар доимо эътиборга, ҳимояга муҳтожлиги учун деб билсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**II. БОБ. Эр ва хотин ўртасидаги муаммолар ва унинг
этнопсихологик хусусиятлари**
**II.1. Эр-хотин муносабатларида вужудга келадиган низо ва
муаммоларнинг этнопсихологик хусусиятлари**

Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, урф-одатларни, анъана, ахлоқий меъёр ва қоидаларни мужассам этган, келажак авлод тарбиясига бевосита таъсир кўрсатадиган, инсонлар ўртасида ўзига хос муносабатлар шаклланадиган ижтимоий макондир. Ундаги ўзаро муносабатлар эса оила аъзолари ўртасида муайян маънавий-руҳий ришталарнинг мустаҳкамланиши, феъл-атвори, қизиқиши, ҳатто физиологик хусусиятлари билан фарқланадиган инсонларнинг ҳамжиҳатликда яшашини таъминлайди.

Аслида “Оила” сўзининг ўзбек тилида беш хил луғовий маъноси бор. Оила – эр-хотин, уларнинг болалари ва энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуи; хонадон. Унинг бошқа маънолари бир-бирига яқин бўлиб, умумий маънода бирлашган кишилар, халқ, мамлакатлар ёки ўсимлик ва ҳайвонларда гуруҳларни, қардош тиллар гуруҳини айтиш мумкин. Ундан ташқари, луғатда оила сўзлашув тилларида рафиқа, хотин муъноларини ҳам англатади⁵⁷.

Маълумки, ўзбек оиласи азалдан ўзига хос менталитетга эга бўлиб, унда турли авлод вакиллари ўртасида самимий муомала, меҳр-оқибат, мурувват, андиша ва ор-номус каби туйғулар устувор ўрин тутади. Бундай юксак инсоний фазилатлар эр-хотин, қайнона-келин, ота-она ва фарзанд ўртасидаги ўзаро муносабатларда намоён бўлади ва сайқал топади. Эр-хотиннинг оиладаги ўзаро муносабатларидаги меҳр-муҳаббат, турмушдаги масалаларни ҳал этишда бир-бирига маънавий ҳамда моддий жиҳатдан кўмаклашиш, болалар тарбиясида ҳамжиҳатлик, сабр-тоқат ва ўзаро ҳурмат туйғулари ҳам дастлаб оилада шаклланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир оила ёки этник гуруҳлар психологияси асосида табиий омиллар мавжуд бўлганлиги боис ҳам ўзига

⁵⁷ Расулова.З. Замонавий ўзбекларнинг оила-никоҳ муносабатлари. Т., 2013. 47-48 бетлар

хослик, тафовут мавжуд. Рухиятдаги ўзига хослик оилавий, ижтимоий муносабатлар тизимидаги тафовутларда ўз аксини топади. Шунинг учун бир оиланинг урф-одати, муносабатлар тизими сезиларли фаркланади.

Энди шу ўринда эр-хотин муносабатларида вужудга келадиган низо ва муаммоларнинг сабаблари ҳақида тўхталадиган бўлсак, ҳозирги пайтда бундай муаммоларни амалий жихатдан бартараф этиш борасида ҳам катор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, чехиялик олим Станислав Кратохвил⁵⁸ ўз қарашларида, оиладаги келишмовчиликларнинг бош сабаби сифатида, интим муносабатлардаги бузилиш ва функционал патология ходисаларини кўрсатиб ўтган. Ўз тажрибаси асосида бундай бузилишларнинг олдини олиш йўлида, замонавий психологиянинг илғор методларидан бири ҳисобланган тренинг – ўргатиш ёрдамида оилавий муносабатларни меъёрида шакллантиришга ҳаракат қилган.

Ғ. Шоумаров таҳрири остида чоп этилган “Оила психологияси” китобида, оилавий низолар масаласига махсус тўхталиб ўтилган, унда: “Оилавий низоларнинг муҳим характерларидан бири – бу эр ва хотин ўртасидаги низодир”, - деб таъкидланган⁵⁹.

Оилавий муносабатлардаги низолар – шахсий сифатлар, дунёқарашлар, дидлар, истаклар ва тасаввурлар тўқнашувидир⁶⁰.

Шу ўринда, Ф.Р. Рўзикулов ўз диссертациясида қуйидагиларни таъкидлайди: “Оиладаги келишмовчиликлар, асосан эр-хотиннинг бир-бири олдидаги масъулиятларини яхши англамасликлари ёки ҳақ-ҳуқуқларини паймол қилишлари натижасида келиб чиқади. Дарҳақиқат, шариат қонунлари белгиланган шарт-шароитларга эътиқодчиларнинг қатъий итоат этишини талаб қилади. Мазкур таълимотларнинг асрлар мобайнида инсон мафкурасида ҳукмронлик қилиши, оила-никоҳ, эр-хотин муносабатлари борасида шундай установкаларни шакллантирганки, натижада кишилар

⁵⁸ Рўзикулов Ф.Р. Ўзбек оилаларида ажралишнинг ижтимоий психологик асоратлари //п.ф.н. дараж.. олиш учун ёзилган дисс... Т.2002. 20-бет

⁵⁹ Оила психологияси. Ғ.Б. Шоумаров таҳрири остида. – Т. 2010, 168- бет

⁶⁰ Каримов Х.К. Ўзбек оилаларида эр-хотин низоларининг ижтимоий-психологик хусусиятлари / п.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс... – Т. 2002. –Б.88.

уларни табиий ҳол (тақдир тақозоси, пешонада ёзилган) дек қабул қилганлар ва кўникиб келганлар. Шу боис исломга эътиқод қилган халқларда, жумладан, ўзбекларда оила-никоҳ ҳамда эр-хотин муносабатларининг ижтимоий-психологик хусусиятларини илмий жиҳатдан ўрганишга эҳтиёж сезилмаган⁶¹».

"Никоҳ" луғатда "бирлашиш" деганидир. Шаръий маъноси – жинсий муносабатни ҳалол (машруъ) қилиш учун битилган актдир. Янада кенг маънода, уйланиш, оила қуришдир. Дунёвий ҳаёти ва ухровий келажаги жиҳатидан шахсга ҳузур ва саодат берувчи соғлом бир жамиятни вужудга келтириш ислом динининг асос ғояларидан биридир. Ҳам шахс тарбиясининг илк ўчоғи ҳамда жамиятнинг тамал тоши бўлган оила муассасасига ва бу муассасанинг бошланғичи бўлмиш никоҳга ислом алоҳида аҳамият берган. Қуръони карим ҳам бу соҳада кўплаб керакли йўл-йўриқларни кўрсатган. Никоҳ, шунингдек, Аллоҳнинг азалий илмида тақдир этилган инсоният давомини энг гўзал шаклда таъмин этишдир. Ислом динига кўра эр-хотин бир-бирига масъулдир: «Барчангиз чўпонсиз, қўл остингиздагилардан жавобгарсиз. Эркак оиласига, аёл эрининг уйига ва болаларига чўпондир»⁶².

Шунингдек, А.Фитратнинг таъкидлашича, никоҳ – бу ҳаётда дўст, бахт ва бахтсизликда шерик, ғам-қайғу вақтида ҳамдам, хушнуд дамларда бир-бирларига ёр бўлишни истаган эркак ва аёлнинг шахсий ва ижтимоий вазифаларини биргаликда бажаришлари лозим бўлган иттифокдир. Никоҳ эр-хотин ўртсидаги ўзаро тенглик ва ўзаро хоҳиш асосида тузилган аҳду паймон битими, муҳаббат ва меҳр билан ҳаётда шерик бўлиш демакдир. Шу билан биргаликда, никоҳ жамият томонидан тасдиқланган насл ва жинслар ўртасидаги муносабатлар шаклини ўзида ифода этади, яъни жинсий алоқа ва насл қолдиришни тартиблашдир⁶³.

⁶¹ Рўзиқулов Ф.Р. Ўзбек оилаларида ажралишнинг ижтимоий психологик асоратлари //п.ф.н. дараж.. олиш учун ёзилган дисс... Т.2002. 42-бет.

⁶² Аёлларга оид энг зарур фикхий масалалар. Тошкент «Мовароуннаҳр» 2004 (61бетли). 31-бет

⁶³ Расулова.З. Замонавий ўзбекларнинг оила – никоҳ муносабатлари. Т-2013,46-бет.

Шу ўринда ҳар бир шахснинг оила қуришидан мақсади нима, деган савол туғилади. Бунга биз ўтказган тадқиқотимиз орқали қисман жавоб топишга ҳаракат қилдик. Респондентларга “Оила қуришдан асосий мақсад нима?” деган савол билан мурожаат қилдик (3-жадвал). Бунда “оила қуриш энг улуғ мақсад, фарзандли бўлиш олий бахтдир” жавобни умумий ҳисобда 47% респондент белгилаган бўлса-да, аёлларга (43,3%) нисбатан эркаклар (52%) учун оила қуриш ва фарзандли бўлиш аҳамиятлироқ кўринади. Лекин оила қуриш кимлардир учун ҳаттоки мажбурият ҳисобланаркан. Хусусан, 23% респондент “бу ҳаёт қонуни, ҳамма инсон оилали бўлиши шарт” жавобини берган.

Демак, хулоса қиладиган бўлсак, хоразмлик ўзбекларда, гарчи камроқ бўлса-да, оила қуриш бу мажбуриятдир, деган қарашнинг мавжудлиги бор бўлиб, бу, ўз навбатида, оила фаравонлигига маълум тўсқинликлар қилиши мумкин. Чунки оила қуришим керак, деган установка билан оила қурган ёшлар оила мустаҳкамлиги устида ишламайдилар. Шу билан биргаликда, оилани асосан фарзанд қуриш учун қурмоқчи бўлганлар ичида эркаклар аёлларга нисбатан икки барабар кўпчилиқни ташкил қиладди.

3-жадвал

Оила қуришдан асосий мақсад (% ҳисобида)

№	Белгиланган жавоблар	ўрни	Умумий	ўрни	Аёл	ўрни	Эркак
1	Оила қуриш энг улуғ мақсад, фарзандли бўлиш олий бахтдир	1	47	1	43,3	1	52,5
2	Бахтли оила бўлиб яшаш	3	19	2	25	4	10
3	Бу ҳаёт қонуни, ҳамма инсон оилали бўлиши шарт	2	23	3	23,3	2	22,5
4	Иқтисодий жиҳатдан ҳар икки томон таъминланади, қанча эрта оилали бўлса шунча яхши	5	5	4	6,7	5	2,5
5	Фарзандли бўлиш	4	6	5	2	3	12,5

Тадқиқотимиз натижалари яна шуни кўрсатдики, ҳозирги кунда ва ҳозирги шароитда оила қуриш ҳам, уни сақлаб қолиш ҳам қийинлашиб кетмоқда (4-жадвал). Буни кўпроқ аёлларга (43,3%) нисбатан эркаклар (52,5%) тасдиқламоқда. Аммо оилани сақлаш борасидаги умумий жавоблар тахминини қиладиган бўлсак, кўрсаткичлар ўзгаради, яъни эркакларга

(67,5%) нисбатан аёллар (80%) кўпроқ оилани сақлаш қийин деб ҳисоблайдилар. Оила қуришда аксинча эркаклар (57,5%) жавоби аёлларникига (45%) нисбатан салмоқлидир. Шу ўринда буни меъёрда ушлаш қийинмас, деган фикрни билдирган эркаклар ҳам бўлди.

4-жадвал

Оилани қуриш ёки сақлаш қийинлиги моҳияти (% ҳисобида)

№	Белгиланган жавоблар	ўрни	Умумий	ўрни	Аёл	ўрни	Эркак
1	Ҳозирги шароитда ҳам оила қуриш, ҳам уни сақлаш қийин	1	47	1	43,3	1	52,5
2	Сақлаш қийин	2	28	2	36,7	3	15
3	Булар орзу-ҳавас-ку, қийинчилик эмас	3	17	3	16,7	2	17,5
4	Қуриш қийин	5	3	4	1,7	4	5
5	Жавоб йўқ	4	4	-	1,7	-	7,5
6	Ҳар томонлама меъёрда ушлаш қийин бўлмайди.	-	1	-	-	-	2,5

Ислом дини эр-хотин турмуши доимий тарзда давом этишини, ўлимдан бошқа нарса уларни ажратмаслиги тарафдоридир. Фақат ҳеч имкон қолмаганидагина ажрашишга рухсат беради. Бундай ёндашув инсон табиатига мувофиқдир. Сабабсиз ажрашиш ҳаромдир. Қуръони каримда: “Хотинларингиз сизларга итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманглар!” (Нисо, 34) деб буюрилган. Расулуллоҳ (с.а.в): «Уйлансан-гиз, ажрашманг. Чунки Аллоҳ лаззатга берилган эркакларни ва лаззатга берилган аёлларни севмайди»; «Талоқ Аллоҳ таолога ёқмайдиган мубоҳдир. Уйланинг, фақат қурган бу оилангиз биносини талоқ билан қулатманг. Талоқнинг ёмонлигидан Аллоҳнинг Арши титрайди»; «Талоқ билан фақат мунофиқ киши қасам ичади ва бу билан қасам ичишни ҳам мунофиқ кимсадан бошқаси таклиф этмайди»; «Қайси хотин муҳим бир сабабсиз эридан талоқ беришини сўраса, ҳатто жаннатнинг ҳиди ҳам унга ҳаромдир» деганлар⁶⁴.

Ислом динига кўра, жуфтлар орасида турли сабаблар туфайли келишмовчиликлар чиқиши мумкин. Бунинг чорасини топиш учун катта ғайрат талаб этилади. Аввал эр-хотиннинг ўзлари бу келишмовчиликни бартараф

⁶⁴Қаранг. Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. -Т., 2001. -Б.54-55; 396-397.

этноқлари керак. Башарти бунга эришолмасалар, икки тарафдан ҳакамларга мурожаат қилиш лозим. Буни биз Қуръони каримнинг Нисо сураси, 35-оятида кўришимиз мумкин⁶⁵: «Агар эр-хотиннинг оралари бузилиб кетишидан кўрксангизлар, эр томондан бир ҳакам, хотин томондан бир ҳакам чақирингиз. Агар улар ислоҳ қилишни истасалар, Аллоҳ эр-хотин орасига иттифоқликни солур». Оят мазмунидан кўринадик, оиланинг иттифок бўлиши ёки бузилиб кетиши ҳакамларнинг истакларига, демак, кўнгилларига, ниятларига, саъй-ҳаракат ва ғайратларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, бундан ташқари, ҳакамларнинг ўзларидан танланиши оила сирини сақлашнинг гўзал тадбири ҳамдир.

Ҳозирги кун шароитидан келиб чиққан ҳолда эр ва хотин ўртасидаги низоларни бартараф этиш ёки унинг олдини олиш мумкинлигини, қайси оила турида муаммолар тезроқ ва осон ҳал бўлишини аниқлаш мақсадида респондентларга “Қайси оила турида, сизнингча, эр ва хотин ўртасидаги низолар камроқ учрайди ва нисбатан осон бартараф этилади?” деган савол билан мурожаат қилдик (5-жадвал). Бунда кўпроқ (умумий 35%) оилада кимлар бўлиши эмас, қандай феъл-атворли инсонлар бўлиши муҳим деган фикр 1-ўринда туриб, шундан эркакларга (32,5%) нисбатан аёллар (36,7%) учун низоларнинг бўлиши ёки бўлмаслиги оиладаги шахсларнинг ҳарактер хусусиятига боғлиқлиги 1-ўриндадир. Эркаклар учун эса (37,5%) аёллардан (30%) фарқли равишда низоларнинг камроқ бўлиши ёки уларни осонроқ бартараф қилиш учун эр ва хотин доимо бир-бирини тушуниши 1-ўриндадир. Ўз навбатида, эркаклар (12,5%) учун низоларни бартараф этишда катта оиланинг (бобо-буви, ота-она, фарзандлар ва бошқа қариндошлардан (амаки, ойи, жиян) ташкил топган оила) аҳамияти муҳимроқ кўрилади.

Демак, оилада низо келиб чиқишининг асосий сабабларидан бири бу – характерологик омил бўлиб, бунда кўпроқ эр-хотинлар характерининг бир-бирига мос келмай қолиши, бир-бирини тушунолмаслиги, ишонч ва сабрнинг етишмаслигидир. Лекин жавобларнинг умумий таҳлили учта авлоддан

⁶⁵ Аёлларга оид энг зарур фикҳий масалалар. Тошкент «Мовароуннаҳр» 2004 (61бетли). 48-50 бет

иборат оилада низоларнинг камроқ учраши ва осон бартараф этилиши борасида аёллар (25%) жавоби эркакларникига (17,5%) нисбатан устунлик қилди.

5-жадвал

Қайси оила турида эр ва хотин ўртасидаги низолар камроқ учрайди ва нисбатан осон бартараф этишга муносабат

№	Белгиланган жавоблар	ўрни	Умумий	ўрни	Аёл	ўрни	Эркак
1	Оилада кимлар бўлиши эмас, қандай (фeyл-атворли) инсонлар бўлиши муҳим	1	35	1	36,7	2	32,5
2	Муҳими оилада эр ва хотин бир-бирини тушуниши ва ҳурмат қилиши керак	2	33	2	30	1	37,5
3	Бобо-буви, ота-она ва фарзандлардан ташкил топган оила	3	14	3	20	4	5
4	Ота-она ва фарзандлардан ташкил топган оила	4	10	4	8,3	3	12,5
5	Бобо-буви, ота-она, фарзандлар ва бошқа қариндошлардан (амаки, оyi, жиян) ташкил топган оила	5	8	5	5	3	12,5

Эр-хотиннинг низолашишларига биргина характер тўғри келмаслиги ёки бир-бирини тушунмаслик эмас, уларнинг ишлаш ёки ишламаслиги ҳам таъсир қилади. Яъни, аёлларнинг фақат уй бекалиги билан машғул бўлиши ҳам оиланинг мустаҳкамлигига таъсир қилиши мумкин. Хусусан, бу борада биз респондентларга “Оилада аёл кишининг ишлаши оила фаровонлигига қандай таъсир этади?” деган савол билан юзландик (6-жадвал). Бунда умумий 42% респондент “ишламасдан уйда ўтирадиган аёлларга нисбатан ишлайдиган аёллар рўзғори бутун бўлади” деган жавобни бериб, эркакларга (32,2%) нисбатан аёллар (48,3%) будай фикрни кўпроқ билдирган. Бундай оилада эр ва хотин ўртасидаги низолар кам бўлади деган фикрни кўпроқ эркаклар (22,5%) маъқуллашган. Лекин шу ўринда аёлларнинг ишлаши оила муҳитига, эр ва хотин ўртасидаги муносабатга салбий таъсир қилади деган фикрни ҳам эркаклар (15%) аёлларга (3,3%) нисбатан кўпроқ белгиланган.

Бундан кўриниб турибдики, оилада аёлларнинг ишлаши эр ва хотин муносабатларига ҳам салбий, ҳам ижобий таъсир қиларкан. Буни кўпроқ

иҷобий томонга ҳал қилиш кўпроқ аёлларнинг зиммасидадир. Эркаклар аёлларга нисбатан асосан уларнинг ишлаши низоларнинг камроқ бўлишига олиб келади деса, аёллар эса буни моддий фаровонлик билан боғлаганлар.

6-жадвал

Оилада аёл кишининг ишлаши оила фаровонлигига қандай таъсир этишига муносабат (% ҳисобида).

№	Белгиланган жавоблар	ўрни	Умумий	ўрни	Аёл	ўрни	Эркак
1	Ишламасдан уйда ўтирадиган аёлларга нисбатан ишлайдиган аёллар рўзғори бутун бўлади	1	44	1	48,3	1	37,5
2	Бундай оилада эр ва хотин ўртасидаги низолар кам бўлади	2	18	2	15	2	22,5
3	Ҳеч қандай таъсир этмайди	3	14	3	13,3	3	15
4	Ҳозирги кунда аёлнинг ишлашидан эркакларнинг ўзи манфаатдор бўлиб қолган	4	8	3	13,3	-	-
5	Аёлнинг ўз оиласига, хусусан, эрига кам вақт ажратганлиги натижасида ўртада меҳр йўқолади	5	6	4	5	4	7,5
6	Аёлнинг ишлаши оила муҳитига, эр ва хотин ўртасидаги муносабатга салбий таъсир қилади	4	8	5	3,3	3	15
7	Жавоб йўқ	-	2	-	1,7	-	2,5

Оиланинг мустаҳкамлиги бир неча ўнлаб омилларга боғлиқдир. Аммо бир хил омиллар борки, уларни на ўзгартириш мумкин, на йўқотиш. Бундай омиллар “белгиланган вақтда портлайдиган бомба” ҳисобланади. Муносабатларнинг бошида аҳамиятсиз ҳисобланган ушбу омиллар никоҳда анча муаммо туғдиради. Буни билган тақдирда ҳам кўпинча ёшлар бу омилларга эътибор бермайдилар ёки уларнинг севгилари ҳар қанақа муаммони бартараф қилиб, бахтли ҳаёт кечиришлари мумкинлигига ишонадилар. “Белгиланган вақтда портлайдиган бомба” ларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

-оилавий ҳаётга тайёр бўлмасдан никоҳ қуриш – бу ерда никоҳга етуклик (айниқса, психологик, маънавий-ахлоқий) аҳамиятлидир, аммо у ўзига хос индивидуал хусусиятларга эгаллигини ҳам унутмаслик даркор;

-ҳаммасини идеал даражада бўлишини истаб никоҳ қуриладиган бўлса – никоҳга қираётганлар эр-хотин муносабатларини, оилавий ҳаётни

идеаллаштириб юборадилар ва оилавий ҳаётдан кўп нарсани кутадилар. Агар ёшларда улар кутганлари реаллик билан тўғри келмаса, оилавий роллар тушунчаси бир-биридан фарқ қилса, уларнинг никоҳга асосланмаган талаблари ҳаётларини низо, жанжал, англашилмовчиликлар билан “миналайди”⁶⁶.

Х.К. Каримов⁶⁷ таъкидлаганидек: “эр-хотин ўртасидаги низолар ўзбек оиласида айрим ўзга миллат (рус, украин) оилаларидан фарқли равишда ўзига хос этнопсихологик хусусиятлар билан белгиланади”. Хусусан, никоҳ олди танишиш муддатларининг камлиги, аёллар ва эркеклар томонидан оилавий ролларни бажаришда ўзларига тўғри баҳо қўя олмасликлари ва бошқалар.

Бугунги кунда эр-хотин ўртасида юзага келадиган низоларга сабаб қилиб кўп нарсаларни кўрсатишимиз мумкин. Хоразм ўзбекларида оилада эр ва хотин ўртасидаги низоларнинг келиб чиқиш сабабларини билиш мақсадида уларга худди шундай савол билан юзландик (7-жадвал). Маълум бўлдики, хоразмлик ўзбекларнинг кўпчилиги (умумий ҳисобда 23%) эр-хотин муносабатларидаги низоларнинг асосий сабабини оиланинг моддий таъминотига боғлашади. Лекин эркекларнинг кўпчилиги (22,5%) низоларнинг келиб чиқишининг асосий сабаби сифатида, вақт ўтиб эр-хотинларнинг бир-бирини тушуна олмаслиги деб биладилар. Аёлларнинг аксарияти эса (21,7%) эр-хотин ҳаракетларининг бир-бирига тўғри келмаслигини низоларнинг келиб чиқишининг асосий сабабларидан бири деб ҳисобладилар. Шу ўринда низоларни сабаблари қилиб гарчи умумий фоизда пастроқ бўлсада: ичкиликбозлик (14%), эрнинг хотинини “паст”га уриши ва уни менсимаслиги, қариндошларнинг эр-хотин муносабатларига аралашуви каби сабабларни ҳам кўрсатишди. Шулардан ичкиликбозлик сабабини аёллар (15%) ҳам эркеклар (12,5%) ҳам фоиз жиҳатдан фарқ қилсада ўрин жиҳатидан бир хил ўринга – 3-ўринга қўйишди.

⁶⁶ Расулова З. Оила мустаҳкамлигига хавф солувчи омиллар // “Жамият тараққиётида оиланинг ўрни” мавзуидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Т – 2012. 151-бет.

⁶⁷ Каримов Х.К. Ўзбек оилаларида эр-хотин низоларининг ижтимоий-психологик хусусиятлари / п.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс... – Т. 2002. –Б.88.

Демак, хоразмлик ўзбеклар эр ва хотин ўртасидаги низоларнинг келиб чиқишига асосий сабаблар қилиб асосан оиланинг моддий таъминоти, эр ва хотин характерларининг бир-бирига тўғри келмаслиги ва вақт ўтиб бир-бирини тушунмаслик сабабларини кўрсатишади. Шундай экан, низоларни бартараф қилиш, оила фаровонлигига эришиш учун юқоридаги уставларга кўпроқ эътибор қаратилса мақсадга мувофиқ бўлади.

7-жадвал

Оилада эр ва хотин ўртасидаги низоларнинг келиб чиқишига асосан қандай сабабларни келтириш мумкин масаласи (% ҳисобида).

№	Белгиланган жавоблар	ўрни	Умумий	ўрни	Аёл	ўрни	Эркак
1	Ҳаммаси оиланинг моддий таъминотига бориб тақалади	1	23	1	25	2	20
2	Эр-хотин характерларининг бир-бирига тўғри келмаслиги	2	21	2	21,7	2	20
3	Вақт ўтиб бир бирини тушунмаслик	3	18	3	15	1	22,5
4	Ичкиликбозликдан	4	14	3	15	3	12,5
5	Эрнинг хотинини “паст”га уриши ва уни менсимаслиги	5	11	4	11,6	4	10
6	Қариндошларнинг эр-хотин муносабатларига аралашуви	6	8	5	10	5	5
7	Паст баландликларга чидаш керак	-	1	-	1,6	-	-
8	Эркакнинг маънавий онгининг пастлиги	-	1	-	-	-	2,5
9	Ҳаётининг тажрибани етишмаслиги	-	1	-	-	-	2,5
7	Юқоридагиларнинг барчаси тўғри	-	4	-	1,6	-	2,5
8	Жавоб йўқ	-	1	-	-	-	2,5

Маълумки, оилада ҳамма ўз вазифасига эга, вазифалар доирасида ўзига яраша масъулият ҳам бор. Шу ўринда хоразмлик ўзбекларда оила тинчлигини сақлашга ким кўпроқ масъуллигини билиш мақсадида уларга худди шундай савол билан юзландик. Хоразмлик ўзбекларда оила тинчлигини сақлашга кўпроқ масъул деб эркаклар (45%) ўзларини билишди (8-жадвал). Бунга улар оила бошлиғи эркаклар шунинг учун улур кўпроқ масъулдир деган жавоб билан изоҳ берадилар. Аёллар (36,7%) эса, аксинча, бунга оила аъзоларининг ҳаммаси бирдек масъул ёки бўлмаса эркак назоратида ушлаши керак, лекин аёл масъул бўлиши лозим, деган фикрларни билдиришди. Бу фикрни қисман эркаклар ҳам маъқуллашади. Лекин аёллар ва эркакларнинг жавобларида фоиз жиҳатидан фарқ қилса-да ўрин

жиҳатидан бир хилликлар мавжуд бўлиб, оила тинчлигини сақлашда эркак назоратда ушлаши керак, лекин аёл масъул бўлиши лозим деган жавобни 2-ўринга қўйишди.

Демак, хоразмлик ўзбекларда оила тинчлигини сақлашда (умумий ҳисобда 31%) оила аъзоларининг ҳаммаси бирдек масъул бўлса-да, лекин эркак ҳар доим назоратда ушлаши керак экан.

8-жадвал

Оила тинчлигини сақлашга ким кўпроқ масъул бўлишига муносабат (% ҳисобида)

№	Белгиланган жавоблар	ўрни	Умумий	ўрни	Аёл	ўрни	Эркак
1	Оила аъзоларининг ҳаммаси бирдек масъул бўлиши керак	1	31	1	36,7	3	22,5
2	Эркак назоратда ушлаши керак, лекин аёл масъул бўлиши лозим	2	30	1	31,7	2	27,5
3	Эркак масъул, чунки у оила бошлиғи	3	29	2	18,3	1	45
4	Аёл масъул, чунки у оила бекаси	4	9	3	11,6	4	5
5	Жавоб йўқ	-	1	-	1,7	-	-

Ҳақиқий бахтли оилаларда эр-хотинлар кўпинча ўзларининг ўзлигини сақлаб қолган ҳолда бир хил ўйлайдилар, хис қиладилар, ҳаракат қиладилар. Узоқ вақт бирга яшаган эр ва хотиннинг ўзигахослиги (индивидуаллиги) бир бўлиб қолади. Вақт ўтган сари улар нафақат кўринишлари билан, балки дунёқарашлари, қизиқишлари, ҳаёт тарзлари ҳам ўхшаб кетади. Бу билан айтмоқчимизки, сиз чиройли умр йўлдошини орзу қилишингиз мумкин, аммо ҳақиқатда сиз тахминан ўзингизга ўхшаган одам билан бахтли бўласиз. “Ўхшатмаса учратмас” деб бекорга айтишмаган. Оддий кўринса-да, аммо бу амалиётда ўзини оқлаган⁶⁸.

Демак, оилавий ҳаётда дуч келиш мумкин бўлган ижтимоий-психологик зиддиятлар, низолардан холи бўлмаган оилаларни учратиш қийин бўлиб, оилавий зиддиятлар ҳар қандай жамиятда муҳокама мавзуси бўлиб келган ва бўлмоқда. Оилавий низолар, жумладан, эр ва хотин ўртасидаги низолар жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Шуларни қисман олдини олиш мақсадида низоларни келиб чиқиш сабабларини хоразмлик ўзбеклар

⁶⁸ Расулова З. Оила мустаҳкамлигига хавф солувчи омиллар // “Жамият тараққиётида оиланинг ўрни” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Т – 2012. 153-бет.

мисолида кўриб чиқдик. Унга кўра оиладаги эр ва хотин ўртасидаги низоларга сабаб бўлувчи асосий омил бу – характерологик омил бўлиб, бунда кўпроқ эр-хотин ҳаракатларининг бир-бирига мос келмай қолиши, бир-бирини тушунолмаслиги, ишонч ва сабрнинг етишмаслигидир. Бундан ташқри жавобларнинг умумий таҳлили шуни кўрсатдики, низоларни нисбатан осон бартараф этилиши ва камроқ учрашида оилада кимлар бўлиши эмас, қандай (фёъл-атворли) инсонлар бўлиши муҳим эканлиги таъкидланди.

II.2. Хиёнат. Ўзбеклар менталитетида эрнинг хиёнатига хотиннинг қараши.

Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида оиланинг ўрни бекиёсдир. Бугунги кунда ажралишларнинг кўпайиб бораётгани сабабли никоҳ-оила муносабатларини ўрганиш жиддий аҳамият касб этади.

Ўсмир йигит ва қиз балоғат ҳамда етуклик ёшига етганидан бошлаб, ўзига жуфт, бўлажак умр йўлдошининг сифатларини ҳаёлан белгилай бошлайди. Инсонларнинг бу сифатларга қарашлари тарбияларига кўра турличадир. Бу борада социологик тадқиқот ўтказилиб, унга кўра ўзбекларда никоҳга қираётганлар ва никоҳ қурганларда турмуш қуриш учун асосий мотив бу эътиборли, меҳрибон инсон ёнида бўлиш, ишонарли, вафодор инсон билан яшаш, фарзанд кўриш ҳисобланади⁶⁹.

Бундан кўриниб турибтики ҳар бир инсон учун хоҳ у аёл ёки эркак бўлсин бутун умри давомида садоқатли, вафодор ва ишонарли одам билан яшашни хоҳлайди.

Никоҳдан ташқари бўлган муносабат, яъни муносабатдан келиб чиққан ҳолда уни хиёнат деб аташ мумкин. Хиёнатнинг тури кўп бўлиб, булар: дўстликка хиёнат, оиласига, жуфтига, яхши кўрганларига хиёнат, хўжайинига, шеригига, аҳдлашганларига хиёнат, ота-она, ака-ука, опа-сингилга хиёнат, Ватанига, ватандошларига, динига, диндошларига хиёнат, омонатга, молга хиёнат, устозга хиёнат... Ҳеч бир динда, ҳеч бир давлатда хиёнат оқланмайди.

Бугунги кундаги ажримларнинг асосий сабабларидан бири – эр ва хотиннинг хиёнати ҳисобланади. Буни ўз тадқиқотимизда ҳам яна бир бор исботини топдик (9-жадвал). Хоразм ўзбекларида ҳозирги кунда ажримларга кўпроқ сабаб бўлувчи омилни билиш мақсадида уларга худди шундай савол билан юзландик. Маълум бўлдики, хоразмлик ўзбекларнинг кўпчилиги (умумий ҳисобда 29%) ҳозирги кундаги ажримларнинг сабабини эр ва хотин ўртасидаги кейинчалик вужудга келадиган турли тушунмовчиликлардан деб

⁶⁹ Расулова З. Никоҳга қираётганлар ва ёш эр-хотинлар: кутилган ва реал ҳолат//Ижтимоий фикр.№3. Т-2008. 143-бет.

билишди. Бунда аёлларнинг (28,3%) ва эркакларнинг (30%) фоизи бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Лекин эркакларнинг кўпчилиги (30%) ажримларга сабаб бўлувчи асосий омил сифатида эр ёки хотиннинг ўз оиласига хиёнати деб биладилар. Аёлларнинг кўпчилиги (21,7%) эр ёки хотиннинг ўз оиласига хиёнати билан бирга, қайнона-келин ўртасидаги муаммоларнинг кўпайиши, бунинг оқибатида эр-хотин муносабатларининг ёмонлашишини ҳам ҳозирги ажримларнинг муҳим сабабларидан бири деб биладилар. Гарчи фоизлар бир хил бўлса-да, эр ёки хотиннинг ўз оиласига хиёнати омилини 2-ўринга, қайнона-келин ўртасидаги муаммоларнинг кўпайиши, бунинг оқибатида эр-хотин муносабатларининг ёмонлашуви омили 3-ўринга қўйилган.

9-жадвал

Ҳозирги кунда ажримларга кўпроқ нима сабаб бўлишига муносабат (% ҳисобида)

№	Белгиланган жавоблар	ўрни	Умумий	ўрни	Аёл	ўрни	Эркак
1	Эр ва хотин ўртасидаги кейинчалик вужудга келадиган турли тушунмовчиликлар	1	29	1	28,3	1	30
2	Қайнона-келин ўртасидаги муаммоларнинг кўпайиши, бунинг оқибатида эр-хотин муносабатларининг ёмонлашиши	3	19	3	21,7	3	15
3	Эр ёки хотиннинг ўз оиласига хиёнати	2	25	2	21,7	2	30
4	Қариндошларнинг эр-хотин муносабатларига тез-тез аралашуви	5	9	4	13,3	5	2,5
5	Фарзанд кўролмаслик	4	10	5	8,3	4	12,5
6	Оилага енгил елпи қараш	-	1	-	-	-	2,5
7	Ҳар кимда ҳар хил бўлади	-	1	-	-	-	2,5
8	Ҳаммаси тўғри	-	1	-	-	-	2,5
9	Ҳозирги аёлларнинг ишлаб эридан кўп пул топиши	-	1	-	1,6	-	-
10	Сабрсизлик сабаб	-	1	-	1,6	-	-
11	Жавоб йўқ	-	3	-	3,3	-	2,5

Р.А.Умурзоқова томонидан 1999 йил Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов тумани (ҳозирги Олмазор) судида ўтказилган тадқиқотлар

натижасида оила инқирозини белгиловчи омиллар ичида хиёнат биринчи ўринда туради⁷⁰.

Шундай экан, биз, бугуннинг долзарб муаммоларидан бири “хиёнат”, “хиёнатга сабаб бўлувчи омиллар”, “хиёнатни бартараф этиш ёки олдини олишни иложи борми?” деган саволларга жавоб кидиришга ҳаракат қилдик.

Голланд сайёҳи Ставоринус XVIII асрда руҳонийлар ҳақида ёзар экан, шундай маълумотларни келтиради: “Қоҳинлар дунё ишлари билан шуғулланмасалар ҳам, аммо хиёнат ва бузуқликка келганда, жазо чораларини уларнинг ўзлари қўрганлар ва баъзан бундай гуноҳни ўлимга маҳкум этганлар. Қатлни улар ошкора эмас, балки махфий қилганлар ёки тошбўрон қилиб ёки дарёда (сувда) чўктириб, баъзан заҳарлаб ўлдирганлар”⁷¹.

Лекин айнан хиёнат мавзусида аёллар ва эркакларни тенг қўришмайди. Хусусан, К.Миллетт қуйидагича таъкидлайди: “Патриархал дин ва этика аёл ва ҳирсни бир ўринга қўяди. Уят, шан, ҳирс деган нарсалар аёл кишининг виждонига топширилган. Шу ўринда ҳирс ёки жинсий алоқа каби тушунчалар нотозалик, гуноҳ кабилар фақат аёл кишига қаратилган. Эркаклардаги бундай ҳирслар эса инсоний деб ҳисобланган”⁷².

Зардуштийликда ҳам никоҳ бир умурга муҳрланган, бир эркакка икки никоҳ ёки вақтинча никоҳ раво бўлган эмас. Эру хотиннинг бир-бирига хиёнати қаттиқ лаънатланган, бегона эркак билан жуфтлашган аёл бадном қилиниб, жазоланган ва никоҳдаги эри учун ҳаром ҳисобланган.

“Авесто” нинг асосан насрий баёнлардан иборат “Вендидод” қисмида оила бутунлигини сақлаш, никоҳ тартиблари, эр-хотиннинг мажбурияти, никоҳнинг бекор қилиниши сабаби ва шартлари анча батафсил баён этилган. Бунда Зрадушт дейди: “Эй, оила қураётган йигит-қизлар, сизларни огоҳлантириб шуни айтмоқчиманки, ҳар бирингиз покиза ҳаёт йўлида ғайрат қилингиз. Ҳар

⁷⁰ Расулова.З. Замонавий ўзбекларнинг оила-никоҳ муносабатлари. – Т., 2013, 337-бет.

⁷¹ Расулова.З. Замонавий ўзбекларнинг оила-никоҳ муносабатлари. – Т., 2013, 60-61бетлар.

⁷² <http://www.gender.ru> - Семёнова Л.Э., Семёнова В.Э. ОБРАЗ ЖЕНЩИНЫ В РЕЛИГИЯХ МИРА

бирингиз яхши хулқ ва амал билан ўз ва оилангиз ҳаётининг мустаҳкам, ҳуррам ва саодатли ўтишига эришинг!”⁷³.

Аллоҳ оиланинг барқарорлигини сақлаш йулида бир хусну тадбир қўллаган. Яъни, аёлларга нисбатан жисмонан қувватли бўлган эркак кишини оилага бошлиқ қилиб тайинлаган. Зеро, оила жамиятнинг бир бўлаги бўлиб, унда баъзан катта ижтимоий, иқтисодий муаммолар руй бериши табиий. Оиладаги ана шу муаммоларни ҳал этувчи масъулиятли инсон эркак кишидир. Бу борада Куръони каримда шундай дейилган: "Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимий) қоим турувчилардир. Сабаб Аллоҳ уларнинг айримлари (эркаклар)ни айримлари (аёллар)дан (баъзи хусусиятларда) ортиқ қилгани ва (эркаклар ўз оиласига) ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришларидир" (Нисо,34)⁷⁴.

Юқорида айтилганидек, исломга кўра, оила бошлиғи эр ҳисобланади. Уламолар: “Хотин тенглик ва ҳуқуқ ҳақида ёлғон фикрларини уқтурувчи, оила моҳиятини бузиш, низомни издан чиқариш, ибрилигини тарқатиш учун уни отага ва эрга қарши чиқишга ундовчи бузғунчиларнинг ёлғонига оғмаслиги керак”, дейдилар⁷⁵.

Ислом дини мутаносиблаштирадиган диндорлар хулқ-атворининг жиҳатларидан бири оилавий, жинслар ўртасидаги, шунингдек, жамият ва оилада хотин ўрни ва вазифасини белгилайдиган ахлоқий этикавий қоидаларнинг ўзаро муносабатларидир. Бундай муносабатлар соҳасини мутаносиблаштирадиган аксарият тамойиллар Куръон ва ҳадислар сирасидан жой олган. Оила ва никоҳ муносабатларига оид Куръоннинг устувор қоидаси — моногам (бир хотинлилик ва бир эрлик) оилани идеаллаштириш баробарида полигамия (кўп хотинлик)ни ҳам эътироф этишдан иборат. Оилавий муносабатларнинг мутаносиблаш-

⁷³ Ҳамиджон Ҳомидий. “Авесто”да оила ва аёл эрки талқини // Ҳуқуқ ва бурч. № 3. Тошкент. 2012. 42-43 б.

⁷⁴ Қаранг. Абдулазиз Мансур. Куръони Карим маъноларининг таржимаси. -Т.,2001.-Б.54-55;

⁷⁵ Расулова З. Никоҳга қираётганлар ва ёш эр-хотинлар: қутилган ва реал ҳолат//Ижтимоий фикр.№3. Т-2008. 288-бет.

тирилиши интим – эр-хотин муносабатларининг айнан ўзига таълуқли жиҳатларига бўлган йўл-йўриklar шариатда ўз аксини топган⁷⁶.

Хоразмлик ўзбеклар мисолида шуниси маълум бўлдики, ўзбекларнинг хиёнатга бўлган муносабати ўзгарган. Хусусан, эркаларнинг ўз аёлига хиёнати ҳақида гап борганда кўпчилик эркалар, ҳаттоки, айрим аёллар ҳам бу нарсани дин билан боғлаб, исломда тўртта хотин олишгача рухсат бор деб, ўз фикрларини исботлашга ҳаракат қилишади. Бу фикрни қанчалик тўғрилигини ўтказилган тадқиқот натижалари яна бир бор исботлади (10-жадвал). Хусусан, респондентларга “Агар эрка киши ўз оиласига хиёнат қилган бўлса, хиёнат кечириладими?” деган савол билан мурожаат қилинди. Маълум бўлдики Хоразмда ўзбекларнинг кўпчилиги (умумий ҳисобда 34%) хиёнат кечирилмайди, лекин хотин бола-чақаси учун эл-юрт олдида ажрашмай яшайверади, деган жавобни берди. Лекин буни эркаларга (22,5%) нисбатан аёллар (41,7%) кўпроқ маъқуллашди. Шу ўринда ҳа, кечирилади, чунки исломда 4 та хотин олишгача рухсат бор, деган изоҳни берувчиларнинг аксарияти эркалар (20%) бўлса-да, аёллар (8,3) ҳам буни тасдиқлайди. Бундан кўриниб турибдики, ўзининг вақтида оддий ҳол бўлган муносабатлар хиёнат, хиёнат ҳисобланган муносабатлар оддий ҳолга айлангандир.

10-жадвал

эркак кишининг ўз оиласига хиёнатига муносабат (% ҳисобида)

№	Белгиланган жавоблар	ўрни	Умумий	ўрни	Аёл	ўрни	Эрка
1	Хиёнат кечирилмайди, лекин хотин бола-чақаси учун эл-юрт олдида ажрашмай яшайверади	1	34	1	41,7	2	22,5
2	Кечирилади, қачонки эрка ўз айбини чуниб, хотинидан кечирим сўраса	2	25	2	21,7	1	30
3	Ҳа, кечирилади, чунки исломда 4 та хотин олишгача рухсат бор	3	13	3	8,3	3	20
4	Йўқ, кечирилмайди, хиёнат ҳар бир шахс учун кечириб бўлмайдиган ҳатодир	4	9	3	8,3	4	10
5	Йўқ, ислом динида бу катта гуноҳ ҳисобланади	5	8	3	8,3	5	7,5

⁷⁶ Валиева А. Ислom дини ва хотин қизлар. – Т, 2001. Б – 46-47. (89- б.)

6	“Гап-сўз” бўлиш, иқтисодий қийинчилик ва борадиган жойининг йўқлиги сабаб аёллар бунга кўзларини юмади	6	6	4	6,7	6	5
7	Ҳа, чунки аёлларнинг ўзи эркаларнинг “юриши”га одатий ҳол деб қарайди	7	2	5	1,7	7	2,5
8	Ҳа, чунки у ватан ҳхимоячиси	-	1	-	-	-	2,5
	Жавоб йўқ	-	2		3,3	-	-

Ислом бирхотинлиликни ташвиқ этади, аммо зарурий ҳолларда тўрттагача хотин олишга изн беради. Қуръони каримда шундай дейилади: «Ўз ораларингиздаги тул-беваларни ҳамда қул ва чўриларингизнинг яхшиларини уйлаб қўйинглар. Агар улар камбағал бўлсалар, Аллоҳ ўз фазлу карами билан бой-беҳожат қилур. Аллоҳ (фазлу карами) Кенг, Билгувчидир” (Нур , 32). Бу ояти жалиладан мурод, Ислом жамиятида узрсиз бўйдоқ ва бевалар бўлмасин, жинсий истаклар фақат шаръий йўллар билан қондирилсин, демакдир. Ҳазрати Умар(р.а.) шундай дейдилар: «Уч кундан кейин ўлишимни билсам ҳам, бўйдоқ ўтишдан уйланишни афзал кўраман». «Аёллар ҳаққи хусусида Аллоҳдан кўрқинг! Зеро, сиз уларни Аллоҳнинг аҳди билан олдингиз ва Аллоҳнинг калимаси билан танларини ўзингизга ҳалол қилдингиз» Расулуллоҳнинг(с.а.в.) "Ҳажжатул-вадо" хутбаларидан⁷⁷.

Қарийб барча араб мамлакатлари қонунчилиги шариатнинг ушбу нормасини қонун йўли билан мустаҳкамлайди. Бу қоидага кўра ҳар бир мусулмонга тўрттагача хотинга уйланиш ҳуқуқи берилади. Аксарият мусулмон олимлари кўп хотинлилик, боз устига чекланмаган микдордаги кўп хотинлилик ислом пайдо бўлмасдан бурун қарор топган эди, исломнинг илғорлиги унинг кўп хотинлиликни фақат тўрт хотин билан чекланганлигидадир, деб таъкидлайдилар.

Анъанавий ва замонавийлашган ислом вакиллари ўртасида Қуръон полигамияга руҳсат этганми ёки йўқми, ҳозирги шароитларда бу масалани қандай ечиш лозимлиги тўғрисида доимий баҳслар бўлиб туради. “Ҳидоя”да полигамия тўғрисида бундай дейилади: “Эркин инсонга тўрт эркин ёки қул хотин — қиз билан никоҳга кириш мумкин,

⁷⁷ Аёлларга оид энг зарур фикҳий масалалар. Тошкент «Мовароуннаҳр» 2004 (61бетли). 44-45- бет

лекин бу миқдордан кўп хотин-қизларга уйланиш мумкин эмас, зотан Қуръонда Оллоҳ: “...Сизлар учун никоҳий ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар. Энди агар (улар орасида) адолат қила олмасликдан қўрқсангиз, бир аёлга (уйланинг) ёки қўл остингиздаги чўри билан (кифояланинг)”. Ислохчиларнинг фикрларига кура, оятдаги “...адолат қила олмасликдан қўрқсангиз, бир аёлга (уйланинг)” деган ибора полигам никоҳни тақиқлаш тўғрисида айтилган йуриқдир. Улар ўз фикрларини Қуръондан олинган яна бир қоида билан тасдиқлайдилар: “Ҳар қанча уринсангизлар ҳам хотинларингиз ўртасида адолат қилишга қодир бўлмайсизлар...”. Мутлақ адолатли бўлишнинг имкони йўқ, зотан Оллоҳ имкони бўлмаган нарсаларни бандасига раво кўрмайди. Ушбу қоидалардан келиб чиқиб мусулмон модернистлари Қуръоннинг инсоннинг барча ахли аёлига одилона муносабат қила олмаслигини инобатга олиб, унга кўп хотинликка ижозат бермайди, деб тасдиқлайдилар⁷⁸.

Бундан ташқари яна, аёл кишилар сонининг эркак кишиларга нисбатан кўплигини инобатга олган ҳолда, ислом дини қурби етган эркакларга битта аёлдан ташқари яна учта хотин олишга рухсат берган. Улардан кўзланган асосий мақсад аёлларнинг ёлғиз қолмаслигидир. Лекин жамият такомиллашган сари, диннинг сусайиши (деярли ҳар қандай дин никоҳдан ўтишни мажбурият даражасигача даъват этади) ва аксинча, одатнинг ролининг ортиши (одамларнинг ўзи ўйлаб топган ҳар хил тўсиқлари) ёлғиз яшайдиган инсонлар қаторини кўпайтирди⁷⁹.

Аммо ислом дини 4 та хотин олишга рухсат бергани билан, рухсат дегани албатта олиш шарт дегани эмас. Турли вақтда хотин олишнинг сони шариат бўйича чекланмаган, яъни тўртта хотини бор эркак яна уйланмоқчи бўлса, хотинларидан биттаси билан ажрашиши лозим, шунда унинг ўрнига бошқасига уйланиши мумкин бўлади. Худди шундай турмуш ўртоғидан

⁷⁸ Валиева А. Ислам дини ва хотин қизлар. – Т, 2001. – Б. 53-54. (89- б.)

⁷⁹ Расулова.З. Замонавий ўзбекларнинг оила-никоҳ муносабатлари. –Т., 2013. 69-бет.

ажрашган аёл учун ҳам турмушга чиқиш чегараланмаган⁸⁰. Бунда билишимиз мумкинки, вақтинчалик кўнгилхушлик қиладиган машуқа билан доимий бирга яшайдиган хотиннинг фарқи бордир.

XX аср бошларигача кўп хотинлик обрў белгиси ҳисобланиб, асосан, ўрта ва бой қатламларда амалда бўлиб, Ўрта Осиёда кенг тарқалган эди. Собиқ Совет ҳукуматининг полигамияга бўлган аёвсиз курашидан сўнг, кўп хотинлик кескин камайиб кетди. Совет даврида кўп хотинлик доимо инкор қилинарди, у йўқ деб ҳисобланиларди⁸¹.

Сўнгги пайтларда кўпхотинлик муаммоси тез-тез муҳокама қилинадиган бўлиб қолди. Бу масала атрофида қизғин баҳслар бормоқда. Ушбу баҳслар жараёнида бир неча нуқтаи назарлар ҳам шаклланиб қолди⁸². Жамиятнинг бир қисми никоҳнинг бундай ташкил қилинишига қарши чиқиб, уни мақбул эмас деб ҳисобламоқда ва ўз нуқтаи назарини у ёки бу далилларни келтириб, исботлашга уринмоқда. Жамиятнинг бошқа қисми эса никоҳнинг бундай шакли мақбуллигини айтиб, исботига ўз далилларини келтирмоқда. Бироқ ижтимоий миқёсда кўп хотинлиликка ижобий муносабатда бўлган ҳолда уни шахсан ўзи учун маъқул кўрмайдиган учинчи гуруҳ ҳам бор. Бундай тақсимот кўп жиҳатдан муайян кишиларнинг диний эътиқодига, диний қонун-қоидаларга қанчалик амал қилишига боғлиқдир. Биринчи гуруҳнинг мақсади озми-кўпми маълум, чунки у асосан Исломга қарши кайфиятдаги кишилардан ташкил топган, бироқ иккинчи ва учинчи гуруҳлардаги аҳволни бир оғиз сўз билан ифодалаб бўлмайди.

Эркак ва аёлларнинг кўп хотинлиikka бўлган муносабати анчагина фарқ қилишини айтиб ўтиш керак. Эркаклар бу масалага ниҳоятда ижобий қарайдилар ва аёлларда ҳам бу масалага худди шундай қарашини иштайдилар. Бироқ кўпчилик хотинлар эрларининг иккита, учта ва ҳатто тўртта хотинга уйланишга ҳаққи борлигини ақлан тушунсалар-да, ҳиссий жиҳатдан бу ҳақда ўйлашнинг ўзи уларни даҳшатга солади. Бу ўзига хос

⁸⁰ Расулова.З. Замонавий ўзбекларнинг оила-никоҳ муносабатлари. –Т., 2013. 84-бет.

⁸¹ Расулова.З. Замонавий ўзбекларнинг оила-никоҳ муносабатлари. –Т., 2013. 84-бет.

⁸² www.islam.ru. Алиасхаб Мирзаев. Кўпхотинлик психологияси. 2012йил.

жумбоқ фанда когнитив-эмоционал диссонанс деб аталади, бу рухий ҳолатда ақл ва ҳиссиёт бир-бирига қарама-қарши келиб қолади. Аёлларнинг табиатан ҳиссиёти кучлироқ бўлиб, ҳатти-ҳаракатлари асосан ҳис-туйғуларига бўйсунганини ҳисобга олсак, уларнинг ушбу мавзуга умумий муносабатини тушуниш қийин эмас. Гап шундаки, аёл киши ўз моҳиятига кўра моногам (бир никоҳлилик) характерга эгадир, уларда эгалик ҳисси эркаклардан кўра кучлироқдир, шунинг учун аёл киши икки ёки ундан ортиқ эркакни севиш мумкин бўлмай қолади. Агар шундай ҳолат бўлиб қолса ҳам, бу энди севги эмас, балки озор етган кадр-қиймати ва аламли эгалик ҳисси бўлади. Бундай ҳолат ниҳоятда камдан-кам учрайди, буни аёл кишининг психологик хусусияти дейишдан кўра истисно ҳолат десак тўғрироқ бўлади. Демак, агар аёл ўз эрининг бошқа бир хотинга уйланаётганини билиб қолса, аксарият ҳолларда биринчи навбатда эрим мени яхши кўрмай қўйибди, деган ҳаёлга боради. Бундай фикр аёл руҳиятининг психологик хусусиятларини эркак руҳиятига ҳам проекцилашдан бошқа нарса эмас. Бундай фикр кўпроқ аёл кишига тинчлик бермай қўяди, чунки аёл киши учун ўзини севимли деб билиш энг муҳимдир. Бироқ, бундай вазият ўз эрини севадиган аёллардагина вужудга келади. Аёлда ўз эрига нисбатан бундай ҳис-туйғу йўқ бўлса, биринчи ўринга эгалик ҳисси чиқиб, эрининг диққат-эътиборини бошқа аёл билан бўлишишга бўлган кескин қаршилиқда намоён бўлади. Баъзан эрининг бошқа хотини борлигини билиб қолган аёл бунга иқтисодий барқарорликка таҳдид деб ҳам қарайди, чунки энди эрининг топгани бошқачароқ тақсимланишини тушунади⁸³.

Ислом тарихида Муҳаммаднинг Фотима деган қизи тўғрисида аянчли ҳикоя мавдждуд: “Биби Фотима эгизак ўғиллари бўлганидаёқ, унинг турмуш ўртоғи Ҳазрат Али иккинчи маротаба уйланади. Ўзидаги юрак оғриғини босиш учун у ойналарни майдалаб ётоғидаги оёқ остига ташлатади ва у ана шу ойна синиқлари устидан оёқ кийимисиз юриб туради, бироқ унинг юрагидаги тузалмайди. Биби Фотима жисмоний оғриқни сезмайди,

⁸³ www.islam.ru. Алиасхаб Мирзаев. Кўпхотинлик психологияси. 2012йил.

ўзининг қонга тўла оёқларини кўра олмайди, зеро унинг юрагидан қонли кўз ёшлари оқарди»⁸⁴.

Кейинги йилларда никоҳдан ташқари жинсий муносабатларнинг бирмунча кўпайганлиги кузатилмоқда. З.Расулова томонидан 2007 йил Тошкент шаҳрида ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра никоҳдан ташқари жинсий муносабатларнинг сабабларига қуйидагилари киради⁸⁵:

- 1) турмуш ўртоғи билан жинсий ҳаётдан қониқмаслик;
- 2) турмуш ўртоғига нисбатан муҳаббат ҳислари (симпатия ёки умуман қарама-қарши жинс вакилларига нисбатан бўладиган ижобий ҳислар)нинг йўқлиги;
- 3) турмуш ўртоғидан тўйиниш – бу ҳола турмуш қургандан сўнг 2-3 йил ўтгач ортади.
- 4) ўзга аёл ёки ўзга эркакни севиб қолиш натижасида;
- 5) моддий, иқтисодий, иш юзасидан тобелиги асосида содир бўладиган хиёнат (м: қотибалар ўз бошлиқлари билан, ёш артистлар, актёрлар режиссёр, бадиий раҳбар билан ва ҳ.к.);
- 6) илгариги дўстлари билан бўладиган хиёнат;
- 7) спиртли ичимликлар таъсирида рўй берадиган хиёнат;
- 8) бегона билан алоқа қандай бўлишига қизиқиш натижасида рўй берадиган хиёнат;
- 9) бир-бирига ачиниш натижасида – бундай ҳолларда эркак киши ҳаётидан, оиласидан, хотинидан нолиб, ўзини бевафо хотиннинг ва бахтсиз тақдирнинг қурбони қилиб кўрсатади ва ўзга аёлда ўзига нисбатан ачиниш ҳисларини пайдо қилади. Шунда аёл эркакка ачинса, раҳм қилса, хиёнатга осонгина қўл уради;
- 10) ўзини қимлигини ўзгаларга кўз-кўз қилиш, кўрсатиб қўйиш туфайли – бунда шахс дўстлари орасида обрў орттиришни мақсад қилиб қўяди ва кўзлаган кишисини ўзига жазман қилиб олади;

⁸⁴ Валиева А. Ислом дини ва хотин қизлар. – Т, 2001. 65-б. (89- б.)

⁸⁵ Расулова.З. Замонавий ўзбекларнинг оила – никоҳ муносабатлари. Т-2013, 338-341-бетлар.

11) оиладаги психологик келишмовчилик оқибатида эр ёки хотин биридан совий бошлайди. Шунда улардан бири ёки иккаласи ҳам хиёнат йўлига киради.

12) эрнинг хотинига ёки аёлнинг эрига жаҳл қилиши, аламини олиш мақсадида ўзга одам билан бирга бўлиши;

13) ўзига хос ноахлоқий қарашлар асосида – оилада ўзини ниҳоятда эркин тутиш ва хоҳлаган вақтда хоҳлаган одами билан жинсий алоқада бўлиши ва бу ишга таббiiй ҳол сифатида қараш. Бу кўпроқ эркекларда учрайди. Шаҳар шароитида эса аёллар ўртасида ҳам етарлича кузатилади. Бунинг икки хил: яширин ва ошкор кўринишлари мавжуд.

14) эр-хотиндан бирининг узоқ муддат оиладан четда яшаши, уларнинг бирга бўлмасликлари;

15) ёшликдаги муҳаббат ҳислари асосида;

16) фарзанд кўриш мақсадида (агар эр ёки хотиндан бири шундай хусусиятдан маҳрум бўлса);

17) бўш вақтини яхши кайфият билан ўтказиш истаги асосида;

18) маълум сирни очилишидан қўрқиб, сирни очиши мумкин бўлган шахс билан мажбуран бирга бўлиш ва бошқалар.

Ҳозирги кунда хоразмлик ўзбекларда хиёнатга сабаб бўлувчи муҳим омилларни аниқлаштириш учун респондентларга “Эр ва хотин ўртасидаги хиёнатга сабаб бўлувчи омилларнинг қайси бири муҳимдир?” деган савол билан мурожат қилдик (11-жадвал). Бунда умумий фоизда эркек ва аёлларнинг аксарияти бир хил жавобда тўхталса-да, лекин уларнинг қарашларида фарқлар бор. Яъни, эркекларнинг кўпчилиги (22,5%) бу саволга бир-бирини жинсий қониқтирмаслик сабабини таъкидлашса, аёлларнинг аксарияти (25%) моддий тарафдан ўзгаришлар бўлганда (ё бойиб кетиш, ё моддий қийинчилик натижасида) хиёнатга мойиллик ошишини таъкидлашди. Лекин умумий ҳисобда (40%) хиёнатга сабаб бўлувчи муҳим омил сифатида “оиладаги турли можаролар натижасида эр ва хотин ўртасига совуқлик тушиши”ни белгиладилар. Бундан ташқари гарчи фоиз жиҳатдан кам бўлса-

да, жавобларнинг барчасини (“оиладаги турли можаролар натижасида эр ва хотин ўртасига совуқлик тушиши”; “моддий тарафдан ўзгаришлар бўлганда (ё бойиб кетиш, ё моддий қийинчилик наижасида)”; “бир-бирини жинсий қониқтирмаслик”; “ўзга бир инсонни севиб қолиш натижасида”; “эр ё хотиннинг турли тан жароҳатларининг олиши натижасида кўнгилнинг совуши (жинсий хоҳишнинг сўниши)”) муҳил омил деб қарайдиганлар ҳам бўлди (умумий 5%). Бунинг аксариятини эркаклар (12,5%) ташкил қилди.

Демак, Хоразмда ўзбекларнинг кўпчилиги умумий ҳисобда эр ва хотин ўртасида хиёнатга сабаб бўлувчи муҳим омил сифатида оиладаги турли можаролар натижасида эр ва хотин ўртасига совуқлик тушишини 1-ўринга қўйишди. Бундан ташқари бир-бирини жинсий қониқтирмаслик омилини эркаклар 2-ўринга қўйса-да, аёллар буни 3-ўринга қўйишди. Улар учун 2-ўринда моддий тарафдан ўзгаришларнинг бўлиши (ё бойиб кетиш, ё моддий қийинчилик наижасида) туради.

11-жадвал

Эр ва хотин ўртасидаги хиёнатга сабаб бўлувчи омилларнинг қайси бири муҳимлиги масаласи (% ҳисобида)

№	Белгиланган жавоблар	ўрни	Умумий	ўрни	Аёл	ўрни	Эркак
1	Оиладаги турли можаролар натижасида эр ва хотин ўртасига совуқлик тушиши	1	40	1	41,7	1	37,5
2	Моддий тарафдан ўзгаришлар бўлганда (ё бойиб кетиш, ё моддий қийинчилик наижасида)	2	18	2	25	5	7,5
3	Бир-бирини жинсий қониқтирмаслик	3	14	3	8,3	2	22,5
4	Ўзга бир инсонни севиб қолиш натижасида	4	8	4	5	3	12,5
5	Эр ё хотиннинг турли тан жароҳатларининг олиши натижасида кўнгилнинг совуши (жинсий хоҳишнинг сўниши)	5	4	5	1,7	5	7,5
6	Бир-биридан кўнгил қолиши	-	2	-	3,3	-	-
7	Виждон ва иймониға боғлиқ	-	1	-	1,7	-	-
8	Ҳар кимда ҳар хил бўлиши мумкин	-	1	-	1,7	-	-
9	Ҳали эримни севаман	-	1	-	1,7	-	-
10	Ишончсизлик натижасида	-	1	-	1,7	-	-
11	Барчаси тўғри	7	5	-	-	3	12,5
12	Жавоб йўқ	-	5	-	8,3	-	-

Ислом дини жинсий истаклар фақат шаръий йўллар билан кондирилишини таъкидлайди. Яъни, никоҳдан ташқари бегоналар билан алоқада бўлиш ҳаромдир. Бу Исломда зино деб аталади. Зино мулк ва унинг шубҳасидан холи бўлган олд жинсий олатга яқинлик қилишдир. Имом Абу Ҳанифа зинони қуйидагича таърифлаган: «Зино саҳиҳ ақди никоҳ ва унинг шубҳасидан холи бўлган аёлнинг олдига хатна қилинган жойни ичкарига киритиб яқинлик қилишдир»⁸⁶.

Маълумки, ўзбеклар зинони улкан гуноҳ, кечирилмас айб деб билишган. Негаки, Қуръони Каримда Аллоҳ мусулмонларга хитоб қилиб: «Зинога яқинлашманглар, албатта у фоҳиша иш ва ёмон йўлдир», деганлар⁸⁷. Чунки улар зино наслу насабнинг бузилишига, оилаларнинг парчаланишига, инсоний муносабатларнинг ёмонлашувига, турли касалликларнинг тарқалишига, ахлоқнинг қулашига ва бошқа бало-офатларга сабаб эканки яхши билганлар. Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.): «Қайси қавмда зино тарқалса, Аллоҳ таоло уларни ота-боболари билмаган касалликка мубтало қилади», деганлар⁸⁸.

Шариат бўйича, оила қурган, никоҳда бўлган шахснинг зино қилгани исботланса, у тошбўрон қилиб ўлдирилган. Оила шарафини, эр-хотинлик ҳурматини била туриб ҳаромга юрганлар жамиятга, инсониятга нисбатан қилган бу жиноятлари учун худди шу жазога ҳақиқатда лойиқдурлар. Агар зинокорлар аввал никоҳда бўлмаган бўлса, кўпчиликнинг олдида юз дарра урилган. Кўриб турибсизки, икки турдаги жазо ҳам омма ҳузурида бўлган. Бу эса гуноҳкорларга жазо бўлиш билан бирга ўзгаларга ибрат ҳам бўлган. Одамлар бир кун келиб кўпчилик олдида шарманда бўлишдан қўрққанлар⁸⁹.

Бугунги кунда эркаклар ёки аёлларнинг хиёнат қилишига айнан қайси омил асосий сабаб бўлишини билиш мақсадида. Биз буни аниқлаш мақсадида тадқиқотда респондентларга дастлаб “Эрнинг хотинига хиёнат қилишига сабаб бўлувчи муҳим омиллар қайси?” деган, савол билан мурожаат қилдик

⁸⁶ <http://www.uzislam.com>

⁸⁷ Қаранг. Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси.-Т.,2001.-Б.52-55;

⁸⁸ Қаранг. Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси.-Т.,2001.-Б.230-231;

⁸⁹ <http://www.uzislam.com>. Зинонинг собит бўлиши.

(12-жадвал). Бунда аёллар билан эркакларнинг жавоблари бир-биридан кескин фарқ қилади. Хусусан, эркакларнинг кўпчилиги (42,5%) бунга асосан “хотинининг ўз эрига бефарқлиги натижасида” деб изоҳ берган бўлса, аёлларнинг кўпчилиги (38,3%) эса “эрнинг олдингидан кўра кўп пул топиши натижасида бошқа аёлларга қизиқишининг ортиши” деб изоҳлади. Бундан ташқари эркакларнинг аксарияти (22,5%) эрнинг хотинига хиёнат қилишига сабаб бўлувчи муҳим омил сифатида 2-ўринда эрнинг жинсий алоқадан қониқмаслиги омилини қўйишди, аёллар (23,3%) эса, хотинининг ўз эрига бефарқлиги натижасида омилини ўзлари учун 2-ўринга қўйишди. Хоразмлик ўзбеклар мисолида шуни айтиш мумкинки (умумий ҳисобда 31%), хотинининг ўз эрига бефарқлиги эрнинг хотинига хиёнат қилишига сабаб бўлувчи муҳим омил бўлиб, бу оилада кўп қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин экан. Шундай экан эр ва хотиннинг доимо бир-бирига эътиборли бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

12-жадвал

Эрнинг хотинига хиёнат қилишига сабаб бўлувчи муҳим омилларга муносабат (% ҳисобида).

№	Белгиланган жавоблар	Ўрни	Умумий	Ўрни	Аёл	Ўрни	Эркак
1	Эрнинг олдингидан кўра кўп пул топиши натижасида бошқа аёлларга қизиқишининг ортиши	2	27	1	38,3	3	10
2	Хотинининг ўз эрига бефарқлиги натижасида	1	31	2	23,3	1	42,5
3	Ҳозирги ёш қизлар ёки аёлларнинг ўзи оилали, пулдор эркакларни бошини айлантириши	4	8	3	10	4	5
4	Эрнинг жинсий алоқадан қониқмаслиги	3	13	4	6,7	2	22,5
5	Вақт ўтиб хотиндан беиш натижасида	5	7	5	5	3	10
6	Ҳар кимда ҳар хил бўлади	-	1	-	1,7	-	-
7	Аёл фаросатсиз бўлса	-	1	-	1,7	-	-
8	Виждон ва иймонига боғлиқ	-	2	-	1,7	-	2,5
9	Бизда хиёнат бўлмаган	-	1	-	1,7	-	-
10	Эрим мани севади	-	1	-	1,7	-	-
11	Ҳар бир аёл доим ўзига қарқб юриши керак	-	1	-	1,7		-
12	Турли можаролар натижасида эр-хотин ўртасидаги совуқлик	-	1	-	-		2,5
13	Муносабат мослиги	-	1	-	-		2,5
14	Ҳаммаси тўғри	-	1	-	-		2,5
15	Жавоб йўқ	-	4	-	6,7	-	-

“Хотиннинг эрига хиёнат қилишига сабаб бўлувчи муҳим омиллар қайси?” деган саволимизда эса эркаклар ҳам, аёллар ҳам бунда асосий сабаб қилиб “кўпинча оилада эркакларни мавсумий ишлашга – 6 ой ёки йиллаб уйдан узоққа кетиши аёлларни хиёнатга мажбур қилади” деган жавоб кўрсатдилар. Лекин буни аёллар (25%)га нисбатан кўпроқ эркаклар (32,5%) маъқуллашди.

13-жадвал

Хотиннинг эрига хиёнат қилишига сабаб бўлувчи муҳим омилларга муносабат (% ҳисобида)

№	Белгиланган жавоблар	Ўрни	Умумий	Ўрни	Аёл	Ўрни	Эркак
1	Кўпинча оилада эркакларни мавсумий ишлашга – 6 ой ёки йиллаб уйдан узоққа кетиши аёлларни хиёнатга мажбур қилади	1	28	1	25	1	32,5
2	Оилада юзага келадиган моддий қийинчиликлар аёлларни эрига хиёнат қилишга мажбур қилади	3	19	2	21,7	4	15
3	Оилада эркак киши мавқеининг пастлиги, оила бошлиғи ўрнининг йўқотиши (йўқлиги) натижасида	2	21	2	21,7	2	20
4	Кўпинча хотиннинг вақт ўтиб ўз эридан бегиши натижасида	5	7	3	5	5	10
5	Хотиннинг жинсий алоқадан қониқмаслиги	4	8	4	1,7	3	17,5
6	Ҳар кимда ҳар хил бўлиши мумкин	-	1	-	1,7	-	-
7	Ҳар кимнинг ўзига ва виждонига ҳавола	-	4	-	6,7	-	-
8	Хиёнат енгил табиатли аёлларга хосдир	-	1	-	1,7	-	-
9	Бизда хиёнат бўлмаган	-	1	-	1,7	-	-
10	Эрим мани қониқтиради	-	1	-	1,7	-	-
11	Ҳар қандай шароитда ҳам хотин эрига хиёнат қилмаслиги керак	-	1	-	1,7	-	-
12	Тутуруқсиз аёллар хиёнат қилади, агар аёл киши меҳнат қилса хиёнат бўлмайди	-	1	-	1,7	-	-
13	Тушунмовчилик	-	1	-	1,7	-	-
14	Бўлиши мумкин эмас	-	1	-	1,7	-	-
15	Жавоб йўқ	-	5	-	5	-	5

Шариат ҳукмлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бирисиз иккинчисини ижро этиб бўлмайди. Ижро этилганда ҳам ҳокимият томонидан текширилиб, барча қоидаларга тўлиқ амал қилинган ҳолда бажарилади. Ўзбекистон Республикаси Конституцион давлат бўлгани учун зинокорларга нисбатан шариатда кўрсатилган жазо қўлланилмайди.

Ислом зинога қарши фақат қаттиқ жазо қўллаш билангина чекланиб қолмай, балки унинг олдини олиш учун барча чораларни кўради⁹⁰:

1) ҳалол йўл билан жинсий эҳтиёжини қондиришга барча шароитни яратиш;

2) бегона эркак-аёлларнинг бир-бирларига аралашувини ман қилиш;

3) ўзга жинсга шаҳват билан қарашни ман қилиш;

4) аёлларнинг ифбатли кийинишлари ва ўзларини тутишларини жорий қилиш;

5) жамиятга фоҳиша хабарлар ва унга оид ишларни тарқатувчиларга қарши шафқатсиз кураш олиб бориш. Аллоҳ таоло Нур сурасида «Албатта, мўминлар ичида фоҳиша ишлар тарқалишини хоҳловчиларга бу дунёю у дунёда аламли азоблар бордур...» – деган.

Аҳмад Яссавий⁹¹ ўзининг кураш ҳақидаги фалсафий қарашларида асосий эътиборни нафсга қаратади. У инсон ҳаётидаги катта кураш – нафсни таслим этишга хизмат қиладиган кураш деб ҳисоблаган. Нафсга мағлуб шоҳ – қул, нафсдан устунликка эришган ғариб шоҳдир. Аҳмад Яссавий ҳикматларининг катта қисим айни шу масала талқинларига бағишланган. Унинг тарифига биноан, нафс “ябон қушдек қўлга қўнмас” бир нарса. Бу “қуш” ўз хоҳишинча “парвоз” этаверса, одамни кундан-кун тўғрилиқдан оздираверади. Оқибатда эса: Нафс йўлига киргон киши расво бўлур,

Йўлдин озиб, тойиб, тўзиб гумроҳ бўлур.

Ётса – Турса шайтон билан ҳамроҳ бўлур..

Шоир нафс бандаларига қарата, “Нафсни тепгил, нафсни тебгил, эй бадкрдикор”, деб мурожат этади. Ва: “Нафсим мани йўлдин уруб хор айлади, термултириб халойиққа мани зор айлади”, – дея нафс учун “итдек кезиб” юрганларни ҳам сир сақламайди.

⁹⁰ <http://www.uzislam.com>. Зино Иймондан эмас.

⁹¹ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлари // Таҳрир хайъати: А. Қаюмов ва бошқ; Нашр. тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи, тўпловчи И.Ҳаққулов;/ . – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991.Б -10 – 11. (256 б. – (Ўзбек адабиёти бўстони).).

Хуллас, Яссавийнинг хулосалари шуки, нафс – ички. лекин жуда катта душман. У инсондаги бутунликни синдиради. Унинг амрларидан маънавий осойишталиклар барҳам топади деб таъкидлаганлар.

Умуман олганда никоҳига, оиласига хиёнат қилиш, шахвоний нафсга эрк бериш ўзбекларда ҳам ва Ислом динида ҳам қораланади. Гарчи эркакнинг хиёнати “йигитчилик”ка йўйилиб оқланиб олинса-да, аёл хиёнати кечирилмайди. Қуръони каримда шундай таъкидланади: «Нопок аёллар нопок эрлар учундир (яъни, лойикдир), нопок эрлар нопок аёллар учундир. Покиза аёллар покиза эрлар учундир, покиза эрлар покиза аёллар учундир» («Нур» сураси, 26-оят)⁹².

Халқда ҳам шундай ривоят бор: башарти эркак хатто ўз рафикаси вафотидан сўнг уйланганида ҳам, мархума жуфти ҳалолининг қабри устига сув қуйиши лозим, зеро у у дунёда ҳам ўз эри қилмишидан рози бўлмас экан⁹³.

Хиёнат қилган ҳар бир киши жазога лойикдир, хоҳ у аёл бўлсин ҳўх у эркак. Лекин ҳар доим эркакларнинг хиёнати оқлаб келинган, аёлларни эса қоралаб. Гарчи Ислом дини хиёнаткор – аёлми ёки эркакми ҳаммаси бирдек жазога лойикдир, деб таъкидлаган бўлса-да, амалда буни аксини кўриш мумкин. Яъни, эркаклар хиёнатига табиий ҳол деб қаралиб, аёллар хиёнатига эса қаттий чоралар кўрилган. Бу улар учун кечирилмас хато ҳисобланган. Бу жараёни ҳаттоки ибтидоий даврда ҳам кўришимиз мумкин: хотиннинг ўз эрига хиёнати уйига ҳайдаб юбориш, майиб қилиб қўйиш, қулликка сотиб юбориш, хатто ўлдириш билан жазоланган; эр эса аксинча, аввалги жинсий эркинлиги қолдиқларидан фойдаланишни давом эттирган. Никоҳ ахлоқийлиги меъёрларининг ўзига хос хусусиятлари никоҳгача бўлган меъёрларга ўз таъсирини ўтказган: эркаклардан фарқли ўлароқ, қизлардан қаттий иффатни талаб этишган ва никоҳгача бундай иффатга риоя этмаган

⁹² Қаранг. Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. – Т., 2001.–Б. 232.

⁹³ Валиева А. Ислом дини ва хотин қизлар. – Т., 2001. – Б. 56-57.

кизни биринчи никоҳ кечасидан кейин шармандаларча уйига хайдаб юборишган, қизларни эса уйларида ҳеч бир яхшилик кутмаган⁹⁴.

Хоразмлик ўзбеклар мисолида аёлларнинг хиёлати масаласини аниқлаштириш мақсадида респондентларга “Агар аёл ўз оиласига хиёлат қилган бўлса, хиёлат кечириладими? деган савол билан мурожаат қилдик (14-жадвал). Бунда умумий фоизда (32%) эркак ва аёлларнинг аксарияти бир хил жавобда тўхталса-да, лекин уларнинг қарашларида фарқлар бор. Яъни, эркакларнинг кўпчилиги (32,5%) бу саволга “хиёлат кечирилмайди, лекин эркак бола-чақаси учун шунчаки бирга яшайверади ” деган сабабни таъкидлашса, аёлларнинг аксарияти (36,7%) “мутлоқ кечирилмайди, бу Ислом динида ҳам қатта гуноҳдир”, деб таъкидлашди. Бундан ташқари респондентларнинг жавобларидан шуниси аниқ бўлдики, аёлларнинг хиёлатини кечирилиши юзасидан қатъий қаршилиқни эркаклардан (0%) кўра аёллар (26,7%) тасдиқлашди. Улар буни ҳар бир эркак шани учун жуда қатта иснот дея изоҳлашди.

Демак, хоразмлик ўзбеклар мисолида шуниси аниқ бўлдики, аёлнинг хиёлати кечириб бўлмас ҳатолиги, буни айнан ислом динида ҳам қатта гуноҳлиги, лекин баъзи бир эркаклар оиласи ва бола чақаси учун мажбур оиласи бузилишига йўл қўймай яшашлари аниқланди.

14-жадвал

Аёлнинг ўз оиласига ва эрига хиёлатинига муносабат (% ҳисобида)

№	Белгиланган жавоблар	Ўрни	Умумий	Ўрни	Аёл	Ўрни	Эркак
1	мутлоқ кечирилмайди. Бу бизнинг ислом динида ҳам қатта гуноҳ деб белгиланган	1	32	1	36,7	2	25
2	кечирилмайди, чунки ҳар бир аёл учун эр у ким бўлишидан қатъий назар унинг учун иккинчи худодир	2	27	2	30	3	22,5
3	ҳеч қандай изоҳсиз кечирилмайди. Бу ҳар бир эркак шани учун жуда қатта исноддир	3	16	3	26,7	-	-
4	кечирилмайди, лекин эркак бола-чақаси учун шунчаки бирга яшаши мумкин	4	14	4	1,7	1	32,5
5	қисман кечирилиши мумкин. Чунки аёл бу ишни қилишга маълум сабабларга кўра мажбур бўлган	5	7	-	-	4	17,5

⁹⁴ Н. Азимова, Ж. Шермухамедова. Гендер ва оила253 бет

6	Кечирилад ишонч бўлса	-	1	-	-	-	2,5
7	Жавоб йўқ	-	3	-	5	-	-

Маълумки, ўзбеклар учун оила муқаддасдир, шунинг учун ҳам улар оилада қандай низолар бўлишидан қатъий назар (хаттоки, хиёнат юз берган тақдирда ҳам) иложи борида оилани сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Бу ҳам ўзига яраша этнопсихологик хусусиятларни касб этади. Хусусан эркакларга нисбатан аёллар бунга кўпроқ ҳаракат қилади десак муболаға бўлмайди. Чунки ўзбек аёллари хаттоки эри ўзига ва оиласига хиёнат қилган бўлса-да, уни кечирилади. Бунга биз ўтказган тадқиқотимиз орқали яна бир бор амин бўлдик.

Хоразмлик ўзбеклар орасида ўтказилган сўровномада респондентларга “Нимага ўзбек аёллари кўпинча эрини хиёнатига кўз юмади?” деган савол билан мурожаат қилдик. Бунда уларнинг (умумий фоизда 37%) аксарияти инсон кечиримли бўлиши керак, шундагина оила мустаҳкамлиги сақланади деб белгиллаган бўлса-да, лекин эркакларга (27,5%) нисбатан аёллар (43,3%) буни кўпроқ таъкидлашди. Шу ўринда аёллардан (1,7%) кўра эркакларнинг (10%) аксарияти ўзбек аёлларининг хиёнатга кўз юмишининг асосий сабаби бунга одатий ҳол деб эътибор қилмасликларини айтишди. Яъни эркаклар бунга ўзбек аёлларининг кўпчилигида шундай қараш мавжуд: “эркак киши кўчаники, нима қилса ҳам у эркак”, шунинг учун ҳам бунга эътибор қилмайдилар деб изоҳ бердилар.

15-жадвал

Ўзбек аёлларининг эрини хиёнатига кўз юмишига муносабат (% ҳисобида)

№	Белгиланган жавоблар	Ўрни	Умумий	Ўрни	Аёл	Ўрни	Эркак
1	Инсон кечиримли бўлиши керак, шундагина оила мустаҳкамлиги сақланади	1	37	1	43,3	1	27,5
2	Ўзбек аёллари биринчи ўринга болачақасини қўяди, шунинг учун эри хиёнат қилса ҳам ҳаёт шу экан деб эри билан яшайверади	2	33	2	36,7	1	27,5
3	Ҳар бир эркак ким бўлишидан қатъий назар ҳеч қачон умри давомида битта хотини билан қаноатланмайди, шунинг учун ҳам ўзбек аёллари эрининг хиёнатига кўникиб кетишган	3	8	3	5	2	12,5
4	Кўпчилик ўзбек аёллари асосан эрининг	4	6	4	1,7	2	12,5

	қўлига қараб қолган, шунинг учун ҳам эрининг хиёнатига иложи борица эътибор қилмасликка ҳаракат қилади						
5	Ўзбек аёлларининг кўпчилигида шундай қараш мавжуд: “эркак киши кўчаники, нима қилса ҳам у эркак”, шунинг учун ҳам бунга эътибор қилмайдилар	5	5	4	1,7	3	10
6	Кўшимча фикрлар	-	7	-	5	-	10
7	Жавоб йўқ	-	4	-	6,6	-	-

Демак, хоразмлик ўзбеклар мисолида шуниси аниқ бўлдики, аёлларнинг айниқса ўзбек аёлларининг эрини хиёнатига кўз юмушига асосий сабаб қилиб, оила муқаддаслиги, инсон кечиримли бўлиши кераклиги, аёлларнинг бола-чақасини биринчи ўринга қўйиши омиллари санаб ўтилди. Шундай экан аёлларнинг оила ва бола-чақани, инсонийлик фазилатларини устун қўйиб хиёнатни кечиришини эркаклар суистеъмол қилмасдан хатоларни вақтида тўғирлаб, оила фаровонлиги учун аёл билан бирга ҳаракат қилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Малумки, ҳар бир нарсани олдини олишни имкони бор агар инсон астойдил ҳаракат қилса. Шундай экан хиёнтни олдини олишнинг ҳам имконияти бор экан. Биз буни ўз тадқиқотимизда исботини топдик. Хоразмлик ўзбекларда аёл киши эрини хиёнатгача бормаслиги учун нима қилиши мумкинлигини билиш мақсадида уларга ҳудди шундай савол билан юзландик. Бунда аёллар ва эркакларнинг жавобларида фарқлар мавжуд бўлиб, аёлларнинг аксарияти (36,7%) эри билан елкама-елка туриб, оиласи учун жон куйдириб яшаши керак, деб билишди. Эркаклар (20%) эса аксинча эрига қарши чиқмасдан, ҳар доим бўйин эгиб яшаши керак, деган фикрни беришди. Бундан ташқари яна эркаклар қуйидаги омилларни: эри билан елкама-елка туриб, оиласи учун жон куйдириб яшаши керак; вақт ўтиб эрига ҳар доимгидан ҳам кўпроқ эътиборли бўлиши керак; ширинсўз, меҳрибон ва дилкаш бўлиши керак; доимо яхши гапириб, кулиб кутиб олиши керак, деб уларнинг барчасини битта – 2-ўринга қўйишди. Аёллар 2-ўринга вақт ўтиб эрига ҳар доимгидан ҳам кўпроқ эътиборли бўлиши керак, шундагина хиёнатни олдини олиш мумкин деб билишаркан.

Демак, хоразмлик ўзбекларда аёл эрини хиёнатга бормаслиги учун эри билан елкама-елка туриб, оиласи учун жон куйдириб яшаши, вақт ўтиб эрига ҳар доимгидан ҳам кўпроқ эътиборли бўлиши кераклигини такидлашди. Лекин эркаларнинг фикридан шуниси маъулмки, улар учун аёл доимо бўйин эгиб яшаши лозимдир.

16-жадвал

Аёл киши эрини хиёнатгача бормаслиги учун нима қилиши кераклигига муносабат (% ҳисобида)

№	Белгиланган жавоблар	ўрни	Умумий	ўрни	Аёл	ўрни	Эркак
1	Эри билан елкама-елка туриб, оиласи учун жон куйдириб яшаши керак	1	28	1	36,7	2	15
2	Вақт ўтиб эрига ҳар доимгидан ҳам кўпроқ эътиборли бўлиши керак	2	22	2	26,7	2	15
3	Ширинсўз, меҳрибон ва дилкаш бўлиши керак	3	13	3	11,7	2	15
4	Доимо яхши гапириб, кулиб кутиб олиши керак	4	12	4	10	2	15
5	Эрига қарши чиқмасдан, ҳар доим бўйин эгиб яшаши керак	5	10	5	3,3	1	20
6	Жинсий қониқитира олиши керак	6	4	5	3,3	3	5
7	Қўшимча фикрлар	-	9	-	5	-	15
8	Жавоб йўқ	-	2		3,3	-	-

II боб юзасидан хулоса қиладиган бўлсак, оиладаги эр ва хотин ўртасидаги низоларга сабаб бўлувчи асосий омил бу – характерологик омил бўлиб, бунда кўпроқ эр-хотин ҳаракатларининг бир-бирига мос келмай қолиши, бир-бирини тушунолмаслиги, ишонч ва сабрнинг етишмаслигидир. Бундан ташқри жавобларнинг умумий таҳлили шуни кўрсатдики, низоларни нисбатан осон бартараф этилиши ва камроқ учрашида оилада кимлар бўлиши эмас, қандай (фёъл-атворли) инсонлар бўлиши муҳим эканлиги таъкидланди.

Хоразмлик ўзбеклар мисолида шуниси маълум бўлдики, ўзбекларнинг хиёнатга бўлган муносабати ўзгарган. Яъни, ўзининг вақтида оддий ҳол бўлган муносабатлар хиёнат, хиёнат ҳисобланган муносабатлар оддий ҳолга айлангандир. Хоразмда ўзбекларнинг кўпчилиги эр ва хотин ўртасида хиёнатга сабаб бўлувчи муҳим омил сифатида оиладаги турли можаролар натижасида эр ва хотин ўртасига совуқлик тушишини 1-ўринга қўйишди.

Хоразмлик ўзбеклар мисолида яна шуниси аниқ бўлдики, аёлнинг хиёлати кечириб бўлмас хатолиги, буни айнан ислом динида ҳам катта гуноҳлиги, лекин баъзи бир эркаклар оиласи ва болалари учун мажбур оиласи бузилишига йўл қўймай яшашлари аниқланди. аёлларнинг айниқса ўзбек аёлларининг эрини хиёлатига кўз юмушига асосий сабаб қилиб, оила муқаддаслиги, инсон кечиримли бўлиши кераклиги, аёлларнинг болачақасини биринчи ўринга қўйиши омиллари санаб ўтилди. Шундай экан аёлларнинг оила ва болаларини, инсонийлик фазилатларини устун қўйиб хиёлатни кечиришини эркаклар суистеъмол қилмасдан хатоларни вақтида тўғирлаб, оила фаровонлиги учун аёл билан бирга ҳаракат қилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса

Ўзбек халқи қадимдан никоҳ ва оила масаласига жиддий қараб келган ва бу ҳол унинг ижтимоий турмушида ўз аксини топган. Хоразм вилояти ўзбекларининг аёлларнинг жамиятдаги ва диндаги ўрни масалаларига қарашлари, бугунги эр-хотин муносабатларида низоларга сабаб бўлувчи омиллар (хиёнат) ва уларни бартараф этиш чораларини алоҳида тадқиқ мавзуси сифатида ўрганиб, унинг ҳудудий ва этнопсихологик хусусиятлари борасида қуйидаги хулосаларга келдик:

1) Хоразмлик ўзбеклар мисолида кўриш мумкинки, ўзбек эркаклари учун аёлларнинг эркинлиги ва фаоллиги меъёрида бўлганлиги маъқулдир. Айни пайтда, эркинликни ва фаолликни маъқулламайдиганлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Бундан кўриниб турибдики, аёллар эрки маълум доирада чегараланишини тақоза этади;

2) Ижтимоий ҳаётда ҳам, диний ҳаётда ҳам аёллар ва уларнинг ўрни, фаоллиги масаласи ҳар доим эътиборда бўлган. Бу борада бутун дунё доирасида кўплаб ишлар амалга оширилган. Бироқ эркаклар билан аёлларнинг тенг ҳуқуқлилигига “тўлиқ” эришилмаганини кўриш мумкин. Хусусан, хоразмлик ўзбеклар мисолида кўриш мумкинки, ўзбек эркаклари учун аёлларнинг эркинлиги ва фаоллиги меъёрида бўлиши, динда ҳам аёллар эркаклардан кейин иккинчи ўринда туришини кўришимиз мумкин;

3) Хоразмлик ўзбекларда, гарчи камроқ бўлса-да, оила қуриш бу мажбуриятдир, деган қарашнинг мавжудлиги бор бўлиб, бу, ўз навбатида, оила фаравонлигига маълум тўсқинликлар қилиши мумкин. Чунки оила қуришим керак, деган установка билан оила қурган ёшлар оила мустаҳкамлиги устида ишламайдилар;

4) Оиладаги эр ва хотин ўртасидаги низоларга сабаб бўлувчи асосий омил бу — характерологик омил бўлиб, бунда кўпроқ эр-хотин ҳаракатларининг бир-бирига мос келмай қолиши, бир-бирини тушунаолмаслиги, ишонч ва сабрнинг етишмаслигидир. Бундан ташқари жавобларнинг умумий таҳлили шуни кўрсатдики, низоларни нисбатан осон

бартараф этилиши ва камроқ учрашида оилада кимлар бўлиши эмас, қандай (феъл-атворли) инсонлар бўлиши муҳимдир.

5) Бугунги кундаги ажримларнинг асосий сабабларидан бири – эр ва хотиннинг хиёлати ҳисобланади. Буни ўз тадқиқотимизда ҳам яна бир бор исботини топдик. Маълум бўлдики, хоразмлик ўзбекларнинг кўпчилиги ҳозирги кундаги ажримларнинг сабабини эр ва хотин ўртасидаги кейинчалик вужудга келадиган турли тушунмовчиликлардан деб билишди. Лекин эркакларнинг кўпчилиги ажримларга сабаб бўлувчи асосий омил сифатида эр ёки хотиннинг ўз оиласига хиёлати деб биладилар. Аёлларнинг кўпчилиги эр ёки хотиннинг ўз оиласига хиёлати билан бирга, қайнона-келин ўртасидаги муаммоларнинг кўпайиши, бунинг оқибатида эр-хотин муносабатларининг ёмонлашишини ҳам ҳозирги ажримларнинг муҳим сабабларидан бири деб билишларини таъкидлашди. Шундай экан, келажакда буни ажримларнинг олдини олиш учун юқоридаги омиллар инобатга олинса, бу ўзининг ижобий натижасини кўрсатиши мумкин;

6). Хоразмлик ўзбеклар мисолида маълум бўлдики, ўзбекларнинг хиёлатга бўлган муносабати ўзгарган. Хусусан, эркакларнинг ўз аёлига хиёлати ҳақида гап борганда кўпчилик эркаклар, ҳаттоки, айрим аёллар ҳам бу нарсани дин билан боғлаб, исломда тўртта хотин олишгача рухсат бор деб, ўз фикрларини исботлашга ҳаракат қилишган. Бундан кўриниб турибдики, ўзининг вақтида оддий ҳол бўлган муносабатлар хиёлат, хиёлат ҳисобланган муносабатлар оддий ҳолга айлангандир;

7). Хоразмда ўзбекларнинг кўпчилиги умумий ҳисобда эр ва хотин ўртасида хиёлатга сабаб бўлувчи муҳим омил сифатида оиладаги турли можаролар натижасида эр ва хотин ўртасига совуқлик тушишини 1-ўринга қўйишди. Бундан ташқари бир-бирини жинсий қониқтирмаслик омилини эркаклар 2-ўринга қўйса-да, аёллар буни 3-ўринга қўйишди. Улар учун 2-ўринда моддий тарафдан ўзгаришларнинг бўлиши (ё бойиб кетиш, ё моддий қийинчилик наижасида) туради. Бундан кўриниб турибдики, хиёлатга сабаб

бўлувчи омиллардан энг муҳими оиладаги турли можаролар натижасида эр ва хотин ўртасига совуқлик тушишини таъкидлашди;

8). Хоразмлик ўзбеклар аёлнинг хиёлати кечириб бўлмас хатолиги, буни айнан ислом динида ҳам катта гуноҳлигини таъкидласалар, лекин баъзи бир эркаклар оиласи ва болалари учун оиласи бузилишига йўл қўймай мажбур қилиб яшашлари аниқланди;

9). Хоразмлик ўзбекларда аёл эрини хиёлатга бормаслиги учун эри билан елкама-елка туриб, оиласи учун жон куйдириб яшаши, вақт ўтиб эрига ҳар доимгидан ҳам кўпроқ эътиборли бўлиши кераклигини таъкидлашди. Лекин эркаклар у учун аёл доимо бўйин эгиб яшаши лозимдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Президент И.А.Каримов асарлари, нутқлари ва фармонлари

- I.1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: Ўзбекистон, 1999.
- I.2. Соғлом авлод — бизнинг келажагимиз // Президент Ислам Каримовнинг Конституциянинг 8 йиллик кунига бағишлаган тантанали мажлисда сўзлаган нутқидан. — Т.: Абу Али ибн Сино, 2000.
- I.3. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида: “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги” Фармони // “Халқ сўзи” газетаси-2004 йил 26 май.

II. Асосий илмий адабиётлар ва манбалар

- II.1. Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. — Т., 2001.
- II.2. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлари // Таҳрир ҳайъати: А. Қаюмов ва бошқ; Нашр. тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи, тўпловчи И. Ҳаққулов / — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991.
- II.3. Аминова.Р.Х. Октябрь и решение женского вопроса в Узбекистане. — Т., 1975.
- II.4. Аҳмедшина Ф., Шнирова О., Школьников И. «Аёллар тарихидан гендер тарихига». Гендер тарихининг концепцияси.
- II.5. Аёлларга оид энг зарур фикҳий масалалар. Т.: «Мовароуннаҳр». 2004.
- II.6. Бурханиддин Маргинани. “Хидоя”(Комментарии мусульманского права). — Ташкент., 1994.
- II.7. Валиева А. Ислам дини ва хотин қизлар. — Т., 2001.
- II.8. Гендер. Тадқиқоти асослари курси хрестоматияси. — Т.: Ўзбекистон. 2003.
- II.9. Жўраева.С. Тараққиёт ва аёллар ҳуқуқи // Тафакку. — Т., 2003. №2. 83 б.
- II.10. Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан ўчёрклар.—Т.: “Ўзбекистон ССР фанлар академиятси нашриёти”. 1961.
- II.11. Любимова С.Т. За новый быт. — Т., 1926.
- II.12. Оила психологияси. Ғ.Б. Шоумаров таҳрири остида. — Т., 2010
- II.13. Расулова.З. Замонавий ўзбекларнинг оила-никоҳ муносабатлари. — Т., 2013.
- II.14. Расулова З. Оила мустаҳкамлигига хавф солувчи омиллар // “Жамият тараққиётида оиланинг ўрни” мавзuidaги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. — Т., 2012.

П.15. Расулова З. Никоҳга кираётганлар ва ёш эр-хотинлар: кутилган ва реал ҳолат//Ижтимоий фикр.№3. –Т., 2008.

П.16. Ризоуддин ибн Фахриддин. Оила. – Т.,1992.

П.17. Симона де Бовуар. Второй пол. См. Хрестоматия к курсу «Основы гендерных исследований» (далее «Хрестоматия») М., МЦГИ МВШСЭН, 2001.

П.18. Сулаймонова Х.С. Дин аёллар озодлиги душмани. Т.: Ўзбекистон КПМК нинг бирлашган нашриёти. 1964.

П.19. Захаров.А.И. Психологические особенности восприятия детьми роли родителей. – Вопросы психологии, 1982, №1, С. 59-75

П.20. Холматова М. Жамият ва аёл // «Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида аёлларнинг ўрни» (илмий-амалий конференция тўплами, 2000 й.) – Т., 2000.

П.21. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. II Том. – Т., 2000.

П.22. Ҳамиджон Ҳомидий. “Авесто”да оила ва аёл эрки талқини // Ҳуқук ва бурч. № 3. Тошкент, 2012.

П.23. Ҳомиджон Ишматбеков. Аёлни эъзозланг. “Ўзбекистон мусулмонлар идораси. Моварауннаҳр” нашриёти. – Т., 2013. 5-бет.

П.24. ИПС натижалари. Хразм вилояти., 2013 йил.

III. Диссертация ва афторефератлар

III.1. Абдусаттарова О. Оила муҳотида ўсмирларда шаклланадиган жинсий идентификациянинг гендер хусусиятлари: Психол.фан.номз. ... дис. – Тошкент, 2007.

III.2. Каримов Х.К. Ўзбек оилаларида эр-хотин низоларининг ижтимоий-психологик хусусиятлари : Психол.фан.номз. ... дис. – Тошкент, 2002.

III.3. Қодирова О.Т. Ўсмирларда оилавий низолар тўғрисидаги ижтимоий тасаввурларнинг шаклланишида оила муғитининг рўли : Психол.фан.номз. ... дис. – Тошкент, 2006.

III.4. Рўзиқулов Ф.Р. Ўзбек оилаларида ажралишнинг ижтимоий психологик асоратлари : Психол.фан.номз. ... дис. – Тошкент, 2002.

III.5. Собирова Д.Т. Ўзбекистонда совет тоталитар тузумининг аёллар масаласидаги сиёсати ва унинг оқибатлари (ХІХасрнинг 40-80 йиллари): Тарих фан.номз. ... дис. – Тошкент, 2009.

IV. Интернет сайтлари маълумотлари

IV.1. <http://www.gender.ru> - Семёнова Л.Э., Семёнова В.Э. ОБРАЗ ЖЕНЩИНЫ В РЕЛИГИЯХ МИРА

IV.2. www.islom.uz. Исломда аёл қадри. Раҳматуллоҳ Сайфуддинов.Тошкент шаҳридаги “Хўжа Аламбардор” жомеъ масжиди имом хатиби

IV.3. www.islam.ru. Алиасхаб Мирзаев. Кўпхотинлик психологияси. 2012йил.

IV.4. WWW.Muslimaat.uz. Ислом аёлни улуғлайди.

- IV.5. <http://www.uzislam.com>. Зинонинг собит бўлиши.
- IV.6. <http://www.uzislam.com>. Зино Иймондан эмас.